



САМАРҚАНД:



ХУР ВАТАН БАҒРИДА ОЛАМ ГАВҲАРИ

Ватаннинг обод, кўркам манзиллари, ҳар баҳор лолақизғалдоқлардан қирмизи ранг оладиган қир-адирлари, ризқ сочилган бепоён бўйдорлари, саховатга макон олмасор боғларию, тўлиб-тошиб оқадиган сойлари, яшаш завқи билан уйғоқ шаҳару қишлоқлари қалбга ғурур бағишлайди. Ҳар бири юрт меҳри-муҳаббатини дилга жо этган инсонлар учун азиз ва мўътабар. Аммо ҳар сафар Самарқанд ҳақида сўз очилганда киёсига муносиб таъриф тополмай энтикиб кетасан. У ўтмишнинг ҳикматли китоби, Шарқнинг бебаҳо дурдонаси, дунёнинг қадимий маданиятлари туташган чорраҳаси ва бугунги бунёдкорона меҳнатнинг гўзал манзараси сифатида бор жозибаси, латофати билан сизни бир умрга мафтун этиб қўяди.

4-5

Илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси таълим даргоҳидан бошланади

➤ Инновацион лойиҳалар — амалиётга

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ республикамызда амалга оширилаётган ислохотлар қишлоқ хўжалигини тубдан диверсификация қилиш ва аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш ишларини йўлга қўйиш имконини бермоқда.

7

Оилавий тадбиркорлик: ўрганишлар, таҳлил ва таклифлар

➤ Депутатлик гуруҳларида

Юртимизда фуқароларнинг ташаббускорлиги, яратувчанликка бўлган интилишлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланади, улар учун барча имкониятлар эшиги очик. Рўзғори бут, оиласи фаровон, ҳалол меҳнати билан ўз хонадонига ва кўпчиликка наф келтириб ҳаёт кечираётган инсоннинг кўнгли ҳам тўқ бўлади.

2

Бизнес-лойиҳаларни молиялаштириш ташаббусларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда

➤ Ижтимоий шериклик



Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши, "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банки ҳамда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш жойларини ташкил этиш, аҳолининг кенг қатлами учун, айниқса, касб-хунар коллежи битирувчилари ва хотин-қизларнинг банк хизматларидан фойдаланишларини янада кенгай-

тириш" мавзусида республикамыз ҳудудларида анъанавий равишда тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

2012 йил қабул қилинган "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши тадбиркорлик фаолиятининг янги қирраларини намоён этиб, ташаббусларга янада кенг йўл очди. Бунинг натижасида шаҳар ва туманлар, маҳаллаларда оилавий тадбиркорлар сафи ортмоқда.

3

БМТ БОШ КОТИБИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Мун 11 июнь куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазيري Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Қисқа суҳбатдан сўнг БМТ делегацияси Кўксарой мажмуида ўзи учун ажратилган қароргоҳга йўл олди.

БМТ бош котибининг Ўзбекистонга расмий ташрифи доирасидаги асосий тадбирлар 12 июнга мўлжалланган.

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов билан БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг учрашув ва музокаралари чоғида ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари, минтақавий ҳамда халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокама этилади.

Ташриф доирасида БМТ Бош котиби Бухорода ҳам бўлиб, шаҳарнинг қадимий тарихи ва меъморий ёдгорликлари билан танишади.

ЎЗА

Мамлакатимизнинг изчил тараққиёти жараёнида

партия олдида турган вазифалар

➤ Фракция йиғилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда парламент қўйи палатасидаги фракциясининг "Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётининг изчил тараққиёти жараёнида Ўзбекистон "Адолат" СДП ва унинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг вазифалари" мавзусидаги қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгаш депутатлари, вазирлик ва идоралар вакиллари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси, Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Н.Умаров бошқарди. Мазкур тадбирдан кўзланган мақсад Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонидан келиб чиқувчи партия олдида турган долзарб вазифаларни белгилаб олиш, шунингдек, давлатимиз раҳбарининг Корея

Республикасида расмий ташрифи давомида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, таълим соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, ишлаб чиқариш технологияларини ривожлантиришга доир имзоланган ҳужжатлар асосида Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг келгуси фаолиятидаги устувор йўналишларни белгилаш, бу орқали партия ташкилотлари, депутатлик бирлашмалари ишнинг самарадорлиги ва натижадорлигини янада оширишдан иборат.

2

Сиёсий билим ва тажриба — амалий ишларга асос

➤ Семинар

Пойтахтимизда Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши томонидан ҳудудий партия кенгашлари раисларининг биринчи ўринбосарлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари раҳбарлари ҳамда ҳудудий партия ташкилотлари бош ҳисобчилари учун икки кунлик семинар-тренинг ташкил этилди.

3

Муаммо ҳал этилди



3

Бола ҳуқуқлари: халқаро ва миллий мезонлар



6

Ярашмаган ямоқ



6

Коинот бағрига ўткир нигоҳ билан



7

Мамлакатимизнинг изчил тараққиёти жараёнида партия олдида турган вазифалар

Давоми. Бош 1-бетда



Таъкидланганидек, "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон мамлакатимизда хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш борасида амалга ошириладиган ислохотлар йўлида муҳим аҳамият касб этади. Мазкур фармон республикамиз иқтисодиётида хусусий мулкнинг ўрни ва ролини тубдан ошириш, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, ялпи ички маҳсулотда хусусий мулк, жумладан, чет эл капитални иштирокидаги улушни изчил оширишга қаратилгандир.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сайлов-олди дастурида сиёсий ҳаёт барқарорлиги ва ижтимоий тараққиёт факат тадбиркорлар ва ёлланма ходимларнинг ҳамкорлиги ҳамда шериклиги асосида таъминланиши ҳамда бунда улар ўзaro манфаатларини ҳисобга олишлари лозимлиги қайд этилган. Шу билан бирга, бугунги кунда тадбиркорлар ўз ходимлари учун зарур ижтимоий, технологик, таълим шароитларини яратишга масъул, чунки бусиз иқтисодий тараққиётни тасаввур этиб бўлмайди. Бундай қўлай шароитларни яратиш ходимларнинг сарфлаган меҳнати-нинг қайта тикланиши учун низоҳатда зарурдир. Давлат тадбиркор ва ёлланма ходимлар ўртасидаги самарали ҳамкорлик учун ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратиш асносида жамиятнинг барча аъзоларини ижтимоий ҳимоя билан таъминлайди.

Ёрмат ХОЛИЕВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
фракцияси аъзоси:

— Давлатимиз раҳбарининг мазкур фармони асосида республика-мизда хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янада ривожланиши Ўзбекистон "Адолат" СДП олдида бир қатор вазифаларни қўймоқда. Хусусан, барча даражада-ги депутатлик бирлашмаларимиз ор-қали давлат бошқаруви органлари, назорат этувчи ва ҳуқуқни муҳофа-за қилувчи тузилмалар фаолиятида қонунчиликка амал қилиниши усти-дан назоратни кучайтиришимиз за-рур. Шу билан бирга, фармонда бел-гиланган манфаатдор вазирлик, идо-раларнинг тадбиркорлик субъектла-рининг қонуний манфаат ва ҳуқуқла-рини ишончли ҳимоя қилиш, тадбир-корлик субъектлари даъволарини қўриб чиқиш мuddати, жумладан, ах-борот-коммуникация технологияла-рини кенг жорий этиш бўйича суд органлари роли ва фаолияти сама-радорлигини янада ошириш юзаси-дан ишчи гуруҳга тегишли қонун-ларга ўзгартиш ва қўшимчалар ки-риштиш бўйича таклифлар бориши ҳамда уни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида партияимиз электорати манфаатларидан келиб чиқиб чуқур муҳокама қилиш фракцияимиз олдида турган муҳим вазифалардан саналади.

Шунингдек, партияимизнинг худ-дий ва маҳаллий ташкилотлари ол-дида фармондан келиб чиққан ҳолда жойларда кичик бизнес, хусусий тад-биркорлик учун яратилган кенг шароитларни аҳолига етказиш, тар-ғибот-ташвиқот ишларини кучайти-риш, ишлаб чиқариш соҳасини ри-вожлантириш имконияти мавжуд худудларда соҳа учун етук кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик соҳа-

сида меҳнат билан банд ходимлар-нинг касбий малакасини ошириб бо-риш чораларини қўриш, минтақавий таълим муассасаларида юқори те-хнологияларга асосланган ишлаб чи-қариш соҳалари, саноатнинг қайта ишлаш тармоқлари учун мутахассис-лар тайёрлаш сифатини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, тад-биркорликни йўлга қўйишни мақсад қилган фуқароларга амалий ёрдам қўрсатиш, хусусан, уларнинг моддий ва кредит ресурсларидан фойдала-нишига қўмаклашиш, ўрта махсус касб-хунар коллежлари ўқувчилари билан давра суҳбатлари ўтказиш, Ўз бизнесини йўлга қўйиш истагида бўлган ёшларга амалий ёрдам бе-риш, хусусий тадбиркорлик соҳаси-да банд бўлган партия электорати-нинг қонуний манфаатлари, хусусан, меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш, муно-сиб меҳнат шароитлари яратилиши, меҳнат шартномаларига амал қи-линиши, меҳнатдан ажралмаган ҳолда касбий малакани ошириш бўйича таъ-лим олиш ҳуқуқлари таъминланиши юзасидан жамоатчилик назоратини кучайтириш каби долзарб масалалар ту-рибди. Бугунги кўшма йиғилишда ана шу каби вазифаларни аниқ белгилаб олдик.

Шунингдек, йиғилишда Президен-тимиз Исроил Каримовнинг жорий йил 27-28 май кунлари Корея Рес-публикасида қилган расмий таши-ри қўриқсизда эришилган манфаат-ли қелишув ва битимларнинг мам-лакатимиз тараққиёти, халқимиз фа-ровонлигини юксалтиришдаги аҳа-мияти ҳусусида сўз юритилди.

Эътироф этилганидек, мазкур таширф доирасидаги музокара-ларда томонлар олий даражадаги му-лоқотларни изчил давом эттиришга, иқтисодиёт, энергетика, молия, сар-моя, юқори технологиялар каби со-ҳалардаги ҳамкорликни янада фаол-лаштиришга, ўзаро товар айирбош-лаш ҳажминини оширишга, гуманитар алоқаларни кенгайтиришга тайёр эканини билдирди.

"Адолат" СДПнинг дастурий ҳуж-жатларига мувофиқ Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсида ўз ўрнини эгалла-ши, дунёдаги илғор давлатлар би-лан халқaro ҳуқуқ талаблари асоси-да ўзаро манфаатли алоқаларни ри-вожлантириш учун фаолият қўрса-тиш, миллий манфаатларига мос ке-ладиган ташки сиёсатни қўллаб-қув-ватлаш партиянинг бош вазифала-ридан ҳисобланади.

Олжас ЖАРПНОВ,
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантириш
мувофиқлаштириш қўмитаси ижро а-ппарати раҳбари, Ўзбекистон "Адолат"
СДП Сиёсий Кенгаши аъзоси:

— Ташриф давомида ҳар икки дав-лат учун манфаатли ҳамкорликни қўзда тутувчи 60 та ҳужжат имзо-ланган бўлиб, уларда Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Сайлов-олди даст-турида белгиланган устувор мақсад ва вазифаларга ҳамоҳанг бир қатор ҳужжатларнинг мавжудлиги муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, ахборот-ком-

муникацион технологияларни янада ривожлантириш, таълим соҳасига АКТни кенг жорий этиш, ишлаб чи-қариш технологияларини ривожлан-тириш масалаларида алоҳида эъти-бор қаратилганлиги партиянинг бар-ча даражадаги ташкилотлари ва де-путатлик бирлашмалари зиммасига катта масъулият юқлайди.

Шундан келиб чиқиб, йиғилишда Ўзбекистон "Адолат" СДП ўз фаоли-ятида таълим муассасаларида юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқариш соҳаларини янада ривож-лантириш, ушбу соҳада етук мута-хассисларни тайёрлаш тизимини, ах-борот-коммуникация технологияла-рини жорий этиш ва ривожлантириш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий базани янада тақомиллаштириш каби вази-фалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Тадбир давомида кун тартибиде-ги масала чуқур муҳокама қилиниб, Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг худ-дий ва маҳаллий ташкилотлари, де-путатлик бирлашмалари олдида ба-жарилиши лозим бўлган аниқ му-датли вазифаларни қўйиш ҳамда давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган фармон ижросининг самарали таъминланишида фаол иш-тирок этиш юзасидан тегишли қа-рорлар қабул қилинди.

Шунингдек, йиғилишда Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзолари томонидан Ўзбекистон Республика-си Давлат бюджет ижросининг 2014 йил ҳамда 2015 йил 1-чорак якунла-ри ҳам қўриб чиқилди. Унда Ўзбекис-

катимизнинг ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чи-қариш ҳажми 8,3 фоизга, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулоти 6,9 фоизга, ка-питал қурилиш 10,9 фоизга ҳамда чакана савдо айланмаси ҳажми 14,3 фоизга ўсди. Инфляция даражаси прогноз қўрсаткичлари доирасида сақлаб қолинди, яъни 6,1 фоиздан ошмади.

2014 йилги Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъмин-лаш дастурига асосан 980 мингдан ортиқ, жумладан, ёшлар, касб-хунар коллежлари битирувчилари учун янги иш ўринлари ташкил этилди. Ўтган йил давомида иқтисодиётда эришил-ган ижобий-таркибий силжишлар, сифатли ўзгаришлар ва тенденция-лар унинг барқарор ва балансли ри-вожланишини таъминлади, аҳоли бандлиги ва даромадининг ўсишига қўмаклашди.

Рашид МАТҚУРБОНОВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
фракцияси аъзоси:

— Давлат бюджетининг ижросини ҳар томонлама ўрганиб, кенг муҳо-кама қилиш асосида социал-демок-ратик гоёларга таянган ҳолда асосий эътиборни ижтимоий соҳаларда амалга оширилган ишларга қаратдик. Қайд этиш лозимки, ўтган йилда иж-тимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган маблағлар Давлат бюджет ижроси-нинг 58,8 фоизини ташкил этди.

Хусусан, 2014 йилда ижтимоий соҳа харажатларининг асосий қис-



тон Республикаси Молия вазири ўринбосари Мубин Мирзаевнинг ҳисоботи тингланди.

Таъкидланганидек, мамлакатимиз-нинг асосий молиявий ҳужжати 2014 йилда илгари Олий Мажлис томони-дан тасдиқланган параметрларга му-вофиқ, даромадлар харажатлардан оширилган ҳолда ижро этилди. Иқти-содий дастурларнинг энг муҳим ус-тувор вазифалари тизимли равишда амалга оширилиши натажасида ўтган йилда Ўзбекистон иқтисодиётининг юқори суръатларда ўсиши, макро-иқтисодий мувозанатлиликни сақ-лаш, модернизация ва диверсифи-кация қилиш таъминланди. Мамла-

мини (57,7 фоиз) ташкил этган таъ-лим муассасалари таъминоти ва уларни ривожлантириш харажатлари-га Давлат бюджетидан 10 673,5 мил-лиард сўм маблағ ажратилди. Ушбу соҳага йўналтирилган маблағлар иж-роси муҳокамасида мактабгача таъ-лим муассасаларидан тортиб олий ўқув юрталарига моддий-техник ба-зани мустаҳкамлаш, таълим муасса-саларини замонавий ахборот техно-логиялари, электрон ўқув-таълим да-стурулари ва мультимедиа маҳсулот-лари билан таъминлаш учун йўнал-тирилаётган маблағларнинг мақсад-ли ижросини таъминлашга жиддий эътибор қаратдик.

Шу билан бирга, таълим соҳасига йўналтирилган маблағлар ижросини муҳокама этиш чоғида партияимиз дастурий гоёларидан келиб чиқиб, илм-фанни ривожлантиришни қўл-лаб-қувватлашга йўналтирилган маб-лағлар ижроси ҳам эътиборимиз марказида бўлди.

Илм-фанни ривожлантиришга 2014 йилда 187,0 миллиард сўм миқ-дорида маблағ ажратилган бўлиб, шундан тармоқлар бўйича давлат ил-мий-техника дастурлари доирасида амалга оширилаётган илмий-техни-ка лойиҳаларини молиялаштиришга 109,9 миллиард сўм, инновацион лойиҳаларни молиялаштиришга 21,4 миллиард сўм, ноёб объектлар ва фанга хизмат қўрсатувчи муассаса-ларни сақлаш харажатларига 37,6 миллиард сўм ҳамда 18,1 миллиард сўм давлат архивларини сақлашга ва илм-фанни ривожлантириш билан боғлиқ бошқа харажатларга йўнал-тирилди. Албатта, илм-фанни ривож-лантиришга йўналтирилган мазкур маблағлар мамлакатимизнинг илмий,

ҳокама қилиш жараёнида соғлиқни сақлаш муассасаларини замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлаш-га қаратилган эътибор баробари-да касалликларнинг профилактика-сига қаратилган чора-тадбирларни кучайтиришга йўналтирилган мабла-лар фракциядошларимиз томонидан атрофлича таҳлил этилди. Жумладан, ўтган йилда профилактика хизмат-ларига 1 324,8 миллиард сўм, яъни соҳага ажратилган маблағларнинг 29,4 фоизи йўналтирилганини қайд этиш жоиз.

Шу ўринда алоҳида эътироф этиш лозимки, хотин-қизлар саломатлиги-ни мустаҳкамлаш, соғлом авлодни тарбиялашга қаратилган устувор ва-зифалар ижроси доирасида скрининг марказлари, вилот қўптармоқли бо-лалар шифохоналари, шунингдек, их-тисослаштирилган педиатрия тибби-ёт муассасаларини замонавий тиб-бий асбоб-ускуналар ва зарур жи-ҳозлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, оналар ва бо-лалар тизимли асосда тиббий тек-



илмий-техник салоҳиятини янада ри-вожлантиришда, иқтисодиётни мо-дернизация қилиш ҳамда ишлаб чи-қаришни техник ва технологик қайта жиҳозлашда муҳим аҳамият касб эта-ди.

Тулқин АБДУСАТТОНОВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
фракцияси аъзоси:

— Шунингдек, партияимиз Сайлов-олди дастуридан ўрин олган соғлиқ-ни сақлаш секторини ривожланти-риш, моддий-техника базасини му-стаҳкамлашга йўналтирилган мабла-ғлар ижросига ҳам жиддий эътибор қаратдик. 2014 йилда соғлиқни сақ-лаш тизимини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш борасидаги иш-лар изчил ва тизимли асосда давом эттирилди. Ҳисобот даврида соғлиқ-ни сақлашни ривожлантиришга Дав-лат бюджетидан 4 507,2 миллиард сўм ёки ижтимоий соҳага ажратил-ган маблағларнинг 24,4 фоизи йўнал-тирилди. Шундан, дори-дар-монлар, тиббиётда фойдаланилади-ган воситалар, вакциналар ва бак-териологик препаратлар харид қилиш учун 134,1 миллиард сўм, озик-овқат маҳсулотлари учун 67,8 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Ушбу соҳаларга ажратилган бюд-жет маблағларининг ижросини му-

ширивдан ўтказилаётгани Ўзбекис-тон "Адолат" СДП Сайлов-олди даст-урида белгиланган вазифалар амал-га ошаётганидан далоятдир. Хусу-сан, биргина 2014 йилда 6,5 милли-он нафар мактабгача таълим муас-сасалари тарбияланувчилари, мак-таб, касб-хунар коллежлари ва ака-демик лицейлар ўқувчилари чуқур-лаштирилган тиббий қўриқдан ўтқа-зилгани, бу эса касалликларни бар-вақт аниқлаш ва уларни самарали даволаш имконини бергани партия-миз дастурий гоёларининг ҳаётбах-лигини, ифодалайди, жумладан шун-дан.

Шу билан бирга, қишлоқ жойла-да намунавий лойиҳалар асосида яқка тартибда уй-жойлар қуриш бўйича мақсадли давлат дастурининг амалга оширилиши борасида олиб борилаётган ишларга ҳам фракция аъзолари томонидан алоҳида эъти-бор қаратилди. Ушбу дастур доира-сида 2014 йилда 11 мингта янги ту-рар жойлар барпо этилганлиги таъ-кидланди. Депутатлар Ўзбекистон "Адолат" СДП дастурий мақсадлари-дан келиб чиқиб, намунавий лойиҳа-лар асосида бунёд этилаётган уйлار-га энергия тежамкор технология-ларни жорий қилиш ҳамда ижтимоий объектларни бунёд этиш юзасидан таклиф, тавсияларни билдиришди.

Муҳокамалар жараёнида фракция аъзолари яқинда сай-лов округларида олиб борган фаолиятлари давомида Дав-лат бюджетидан соҳаларга ажратилаётган маблағларнинг мақсадли сарфланиши борасида аниқланган камчиликлар ҳамда фуқаролардан тушган мурожаатлар асосида тегишли вазирлик ва идоралар мутасаддиларига ўз савол ва так-лифларини йўллаганларини маълум қилдилар.

Қизгин муҳокамалардан сўнг фракция аъзолари Ўзбекистон "Адолат" СДП нуқтаи назаридан келиб чиқиб, Давлат бюджет ижросининг 2014 йил ҳамда 2015 йил 1-чорак якунларини маълумладилар.

Илбос САХАТОВ,
«Адолат» мухбири

Давоми. Бош 1-бетда

Зеро, эл-юрт манфаати, мамлакат тараққиётини қўлаб қабул қилинган қонунлар ижро-сини таъминлаш халқ фаровон-лиги ва соҳаларни янада ри-вожлантиришга хизмат қилади. Албатта, қонунлар ижроси, уларда белгиланган меъёрлар-нинг амалиётда қўлланилиши-да, бу борада мавжуд муаммо-ларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишда депутатлик назорати фаолияти ҳам муҳим ўрин тутаяди.

Бу борада вақиллик органла-рига партияимиздан сайланган депутатлар ўз зиммаларидаги масъулиятни чуқур англаган ҳолда иш олиб бормоқдалар.

— Жойларда аҳоли бандли-гини, айниқса, хотин-қизлар, ёшларни иш билан таъминлаш масалаларида депутатлик гуру-ҳимиз аъзоларининг амалий саъй-харажатлари яхши натижа-лар берапти, — дейди халқ де-путатлари Қувасой шаҳар Кен-гашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи раҳба-ри Дилором Меҳмононова. — Де-

Оилавий тадбиркорлик: ўрганишлар, таҳлил ва таклифлар

путатлик гуруҳимизнинг шу йил март ойида ўтказилган йиғили-шида шаҳримиздаги маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда иш олиб бориш, бандлики таъминлаш юзасидан жойларда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар, мавжуд муаммоларни мунтазам ўрга-ниб, уларга ўз вақтида ечим то-пиш ҳусусида батафсил фикр-лашиб олдик. Айниқса, бу бо-радаги қонун ҳужжатларининг ижроси юзасидан жамоатчилик назоратини кучайтиришга ало-ҳида эътибор қаратаймиз.

Шу ўринда айтиш жоизки, айни пайтда халқ депутатлари Қувасой шаҳар Кенгашининг "Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар ҳавфсизлигини таъ-минлаш масалалари" доимий комиссиясида партияимиз депу-

татлик гуруҳи аъзоларидан Зу-лфат Ортиқова, Баҳодир Дада-боев, Турсунали Ҳамидовлар фаолият олиб бормоқда. Халқ депутатлари Қувасой шаҳар Кенгашининг 2015 йил иш ре-жасига асосан жорий йилнинг апрель ойида Д.Меҳмонова бо-шлаганида доимий комиссия аъзоларидан З.Ортиқова, Б.Да-дабоев, Т.Ҳамидов ҳамда "Муён" ҚФЙ раиси А.Умарова-лар иштирокида шаҳардаги бир қатор қишлоқ фуқаролик йиғин-лари, маҳаллаларда "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги ко-нуннинг ижросини ўрганиш, унинг мазмун-моҳиятини тарғиб этишга қаратилган амалий иш-лар қилинди. Қувасой шаҳри-даги "Исфайрамсой" ҚФЙдаги "Қоқилон", "Пақана" маҳаллала-ри, "Муён" ҚФЙ "Богбон", "Пол-

мон", "Ю-Муён", "Лашкар" маҳал-лалари, "Намуна", "Дўстлик", "Арсиф", "Қалача", "Валик" ҚФЙ ҳамда "Найман" маҳаллаларида аҳоли бандлигини, айниқса, хо-тин-қизларни иш билан таъмин-лаш, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун кредит-лар ажратилиши, меҳнат ҳу-қуқларини ҳимоялаш, иш билан банд бўлмаган фуқароларни оилавий тадбиркорликка жалб этишда амалга оширилган иш-лар ва бу борадаги мавжуд мас-алалар ўрганилди.

Таъкидлаш жоизки, Қувасой шаҳар хотин-қизлар қўшматиси, "Тадбиркор аёл" уюшмасининг шаҳар бўлими ва маҳаллалар-нинг ўзаро ҳамкорлигида ушбу йўналишда бир қатор ибратли ишлар йўлга қўйилган.

2014 йил якуни бўйича ша-

ҳарда тадбиркор хотин-қизлар-ни қўллаб-қувватлаш, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчи-ликини ривожлантириш учун ти-жорат банклари томонидан жа-ми 2 миллиард 800 миллион сўм миқдорида кредитлар аж-ратилган ва амалий фаолиятга йўналтирилган.

Доимий комиссия аъзолари мазкур худудларда аҳолининг оилавий тадбиркорлик фаоли-ятининг қайси турларига талаб ва эҳтиёжлари борлигини атроф-лича ўрганишди. Шундан келиб чи-қиб, қишлоқ фуқаролар йиғин-лари, маҳаллаларнинг ҳар бири-да йўлга қўйилиши лозим бўлган оилавий тадбиркорлик фаолия-ти турлари юзасидан аниқ так-лифлар ишлаб чиқилди. Маса-лан, "Муён" ҚФЙ худудидаги "Қўприк боши", "Мирзолар", "Бо-

бур" маҳаллаларида 3 та матбу-от дўкони ҳамда биттадан до-рихона, темирчилик устонаси очилди, сартарошлик, пойабзал таъмирлаш ва бошқа шу каби ишларни амалга ошириш билан боғлиқ яна ҳамми 14 та оилавий тадбиркорликка доир фаолият турини йўлга қўйиш имкониятла-ри ва эҳтиёжи мавжуд. Шунинг-дек, ўрганишлар жараёнида ша-ҳардаги айрим маҳаллаларда бандлики таъминлаш, фуқаро-ларни оилавий тадбиркорликка жалб этишда баъзи камчиликлар борлиги ҳам аниқланди.

Жорий йилнинг май ойида халқ депутатлари Қувасой ша-ҳар Кенгашининг навбатдаги сессиясида доимий комиссия аъзолари томонидан "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги қонун ижроси юзасидан олиб

борилган ўрганишлар, таҳлил ва таклифлар кун тартибидеги асосий масалалар қаторида муҳокамага қўйилди.

Сессияда мазкур масала юзасидан тегишли қарор қабул қилиниб, мутасадди ташкилот-лар раҳбарларига аниқ вазифа-лар топширилди, камчиликлар-га йўл қўйган фуқаролар йиғин-лари раислари огоҳлантирилди. Мухими, ушбу масала юзаси-дан қабул қилинган қарор иж-роси маҳаллий Кенгашнинг навбатдаги сессиясида яна қўриб чиқилиши белгиланди.

Зеро, оилавий тадбиркорлик билан шугулланаётган ташаб-бускор фуқаролар ўз оиласи ҳамда шу худудда яшайётган фу-қароларнинг ҳам манфаатлари-ни рўёбга чиқариб, аҳоли учун қўлай инфратузилма яратишга ва уларнинг иш билан банд бўлишига катта ёрдам беради.

Илҳом ЖўРАЕВ,

Ўзбекистон "Адолат" СДП
Форғона вилоти кенгашининг
депутатлар билан ишлаш
бўлими бош мутахассиси

Сиёсий билим ва тажриба — амалий ишларга асос

Давоми. Боши 1-бетда

Тадбирдан қўзланган мақсад мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишида партиянинг амалий иштирокини таъминлаш, партия дастурий вазифалари ижроси ва электорати манфаатларини амалга оширишда депутатлик бирлашмалари билан самарали ҳамкорлик шакллари ташкил этиш, партия раҳбар кадрларининг сиёсий билим-салоҳиятини, амалий тажрибаларини мустаҳкамлашга қаратилди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Абдуқамол Раҳмонов олиб борган тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда кечаётган демократик ислохотларнинг янги босқичида Ўзбекистонда кўппартиявий тизимни ривожлантириш, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш жараёнида сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришга қаратилган муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида сиёсий партияларнинг ҳаётда қўйиладиган иштироки кучайди. Айниқса, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолиятини самарали ташкил этиш, депутатларнинг сайловчилар билан ишлашини тубдан яхшилаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларининг ўз электорати ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этиш, жойларда қонунлар ва бошқа давлат қарорлари ижроси устидан самарали депутатлик назоратини амалга оширишдаги роли ва масъулияти ортиб бормоқда.

Хусусан, давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари билан тегишли сайлов округлари аҳолиси ўртасидаги мулоқотни амалга ошираётган партия гуруҳлари давлат ҳокимияти органлари очкилигини таъминлашда ҳам муҳим ўрин тутмоқда. 2014 йилнинг январь ойида Ўзбекистон Республикасининг "Сиёсий партиялар тўғрисида" қонунига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар сиёсий партияларнинг жойлардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишдаги роли ва масъулиятини янада ошириш, ўз дас-



турий мақсадлари ва сайловчилар манфаатларини ифода этишнинг ҳуқуқий механизмлари самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, давлатимиз раҳбарининг 2014 йил якуни ва 2015 йилга мўлжалланган устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг лавозимига киришишга бағишланган тантанали маросимдаги маърузалари, 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан журналларга берган интервьюсида кўтарилган долзарб масалалардан келиб чиқиб, сиёсий партиялар ўз олдига қатор вазифаларни белгилаб олди. Ушбу вазифаларнинг ижросини таъминлаш ва натижаларни таҳлил қилиш асосида янги марраларни белгилаш партия марказий ва ҳудудий ташкилотлари олдида турган галдаги вазифалардандир.

Жумладан, бугунги кунда депутатларнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаёти учун зарур бўлган қонунларни ишлаб чиқишда ташаббус кўрсатиш ва уларни қабул қилиш бўйича фаолиятини принципиал жиҳатдан қайта қўриб чиқиш, депутатлар фаолияти уларнинг ўзи аъзо бўлган сиёсий партия ва электорати манфаатларини ҳисобга олган ҳолда йўлга қўйилиши муҳим заруриятга айланган.

Ушбу устувор вазифалар ўз навбатида, олиб борилаётган таҳлилий ишлар самарадорлигини, депутатларнинг тайёргарлик, хабардорлик ва малака даражасини, бошқача айтганда, профессионал савиясини сезиларли равишда оширишни тақозо этади.

Шундан келиб чиқиб, семинар-тренингда Президентимизнинг жорий йилнинг 23 январиди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма

мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар асосида ишлаб чиқилган Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг комплекс амалий Ҳаракат дастури бажарилиши, мақсад ва вазифаларни амалга ошириш шакллари чуқур таҳлил қилинди, иштирокчиларга шу юзасидан тушунчалар берилди.

Шу билан бирга, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳла-



рининг 2014 йил ва жорий йилнинг биринчи чораги давомида кўтарган ташаббуслари, сессияларда ва доимий комиссиялар йиғилишларида қўрилган масалалар, мансабдор шахсларнинг ҳисобот ёки ахборотлари эшитиш, депутатлик сўровлари юзасидан экспертларнинг таҳлиллари ўрганилди.

Семинар-тренингда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, Адлия вазирлиги, Солиқ қўмитаси ва бошқа давлат, жамоат ташкилотлари мутахассислари иштирокида интерфаол услуби ҳамда замонавий ахборот-коммуникация воситалари ёрдамида маърузалар ва ама-

лий машғулотлар олиб борилди.

Тадбир давомида мутахассислар томонидан 2015 йилда янги таркибда ўз фаолиятини бошлаган халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолияти самарадорлигини янада оширишга қаратилган таклиф, тавсиялар берилди. Ўз навбатида, семинар-тренингда иштирок этган маҳаллий Кенгаш депутатлари, ҳудудий партия кенгашлари раҳбарлари кун тартибидagi масалалар юзасидан ўзаро тажриба алмашдидилар.

Бекзод РАҲАБОВ, Ўзбекистон "Адолат" СДП Хоразм вилояти кенгаши раиси ўринбосари:

— Партиянинг ҳудудий кенгашлари томонидан депутатлик гуруҳларининг аниқ иқтисодий ва ижтимоий масалалар ечимида иштироки, жойларда партия сиёсатини олиб боришнинг асосий шакллари бўйича муқобил лойиҳаларни илгари

Ушбу тадбир доирасида ҳудудий кенгашларда партиявий ва молиявий интизомни кучайтириш, ҳужжатларни расмийлаштириш, фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш, тегишли органларга ҳисоботларни тўғри тақдим этиб бориш масалалари атрофида ўрганилди. Бугунги олган янги билимларимиз ва партия ташкилотлари раислари билан алмашган тажрибамиз келгуси фаолиятимизда асқотиши шубҳасиз.

Дилбар ҲАМДАМОВА, халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгаши депутати:

— Халқнинг сиёсий онги ва ижтимоий фаоллигидаги ўсиш, мамлакатда амалга ошаётган тараққиёт жараёнларига аҳолининг теран нигоҳ билан қараётгани депутатлар учун ташаббускорликни янада ошириш, халқ билан ҳамнафасликда фаолият юритишни тақозо этмоқда. Яқинда бўлиб ўтган сайловчилар билан учрашувларда бу аққол кўзга ташланди. Бугунги кунда фуқароларда ҳам, депутатларда ҳам ҳамкорликда ишлаш иштироки, ҳудудда кўзга ташланаётган муаммолар ечимига дахлдорлик туйғуси шаклланиб бормоқда.

Мазкур ўқув-семинардаги маъруза ва машғулотлар депутатларнинг малака даражаси ва профессионал савиясини оширишга замин яратди. Айниқса, Ўзбекистон "Адолат" СДП Сайловолди дастури ижроси бўйича қабул қилинган комплекс амалий Ҳаракат дастури бажарилишининг қўриб чиқилгани, ушбу йўналишдаги ишларни тақомиллаштиришга қаратилган вазифалар белгилангани аини мудида бўлди.

Тадбирда илгари сурилган партия депутатлик бирлашмалари фаолиятини самарали ташкил қилиш механизмлари барча маҳаллий Кенгаш депутатлари учун долзарбдир. Зеро, жойларда қонунлар ижроси устидан депутатлик назоратини ташкил этиш, депутатларнинг партия органлари олдида ҳисобдорлигини ошириш, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларида масалалар қўриб чиқиш ва қарорлар қабул қилишдаги иштирокини кенгайтириш депутатнинг халқ олдидаги мақоми ва обрўсини оширувчи омиллардан биридир.

Илёс САҲАТОВ, «Адолат» мухбири

➤ Депутат аралашгач...

Юртимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини рўёбга чиқаришнинг қонуний асослари, амалий механизмлари ҳар томонлама мустаҳкамлаб қўйилган. Фуқаролар мурожаатларини ўрганиш ва уларда тилга олинган масалаларнинг қонуний ечимларини топиш депутатлик фаолиятида ҳам муҳим ўрин тутди.

Муаммо ҳал этилди

Электорат манфаатларини амалга ошириш учун иштирокчи депутатларнинг фаолияти жойларда партияимизга хайрихоҳлар сафини кенгайтиришда ҳаётини омиллардан бирига айланди. Шу билан бирга, партиялараро сиёсий рақобат муҳитида бу борадаги ишлар нақадар катта аҳамият касб этишини ҳам ҳар биримиз чуқур англаймиз.

Халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи аъзолари ҳам эл ишончини оқлаш учун одамларнинг қувончу ташвишларини ўз дилидан кечириб, жонқуярлик билан астойдил фаолият олиб бормоқдалар. Зеро, ҳар бир мурожаат ортида инсон ва унинг манфаати, айниқса, фуқаро учун жуда зарур ҳисобланган масаланинг ечим топишига бўлган эҳтиёж бор.

Халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгаши депутати Баркамол Шомуродов Хатирчи туманидаги "Хонақа" ҚФЙ, "Чағатой" маҳалла фуқаролар йиғини "Дўстлик" қишлоғи аҳолисининг оғзаки ва ёзма мурожаатларини ўрганиши асосида яна бир хайрли иш амалга ошадиган бўлди. Мазкур ҳудудлар аҳолисининг мурожаатларида улар тоза ичимлик сувини 3-4 километр узоқликда ташиб келтираётгани айрим муаммолар пайдо бўлишига сабаб бўлаётганини қайд этишган.

Б.Шомуродов мазкур масала юзасидан Хатирчи туман ҳокими Ф.Алиевга депутатлик сўрови киритди. Қувонарлиси, ушбу муаммони ижобий ҳал этиш чора-тадбирлари белгиланиб, амалий ишлар йўлга қўйилмоқда. Аини пайтда "Оқ олтин XXI аср" хусусий корхонаси томонидан ичимлик суви қувурларини ётқизиш ишлари бошлаб юборилди. Демак, тез орада қишлоқ аҳли ҳаёт учун бебаҳо неъмат бўлган тоза ичимлик суви билан таъминланади.

Б.Шомуродовга Хатирчи туманидан Тўхтаниёз Ҳақимовнинг ишга жойлаштириш учун ёрдам беришини сўраб қилган мурожаати ҳам ижобий ечимини топди. Ҳозирда Т.Ҳақимов тумандаги "Бўғирдоқ гишт" кичик корхонасида ҳайдовчи бўлиб ишламоқда.

Депутатнинг қатъияти у мансуб бўлган сиёсий кучнинг мавқеи орттиришга хизмат қилиши барчага аён. Шу билан бирга, ўз фидойилиги билан депутат фуқароларнинг ишончини қозонади, содда қилиб айтганда, шу ҳудудда яшовчи одамлар ўртасида обрўга эга бўлади. Сиёсий партия учун профессионал маҳорати, виждонан ишлаши орқали ортидан кишиларни эргаштира оладиган фаолларнинг қўллиги эса жуда муҳим, албатта.

Садоқат ШАМСИЕВА,

Ўзбекистон "Адолат" СДП Навоий вилояти кенгаши матбуот котиби

Бизнес-лойиҳаларни молиялаштириш ташаббусларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда

Давоми. Боши 1-бетда

Партияимиз Сайловолди дастурида ёшлар ва хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасида белгиланган муҳим вазифалар ижросини таъминлашга хизмат қилаётган ушбу тадбирлар жараёнида қўзланган мақсадларимиз муваффақиятли амалга ошмоқда.

Жорий йилнинг 9-10 июнь кунлари Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳри ва Риштон туманида мазкур мавзуда бўлиб ўтган навбатдаги семинарлар ҳам бунинг яна бир амалий ифодаси бўлди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари, "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати, "Микрокредитбанк" АТБ, Хотин-қизлар қўмитаси, вилоят ҳокимлиги вакиллари ҳамда касб-хунар коллежи битирувчилари, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган хотин-қизлар, ёшлар иштирок этдилар.

Таъкидланганидек, юртимизда хотин-қизлар ва ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг жамият ҳаётини фаол иштирок этиши, ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши, баркамол шахс бўлиб вояга етиши учун кенг қўламли ишлар қилинмоқда. Аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларни иш билан таъминлаш, уларнинг ташаббускорлиги, тадбиркорлик фаолиятларини қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асослари ҳамда зарур амалий механизмлари яратилган.



Иштирокчилар соҳага доир қонун ҳужжатлари, Президентимиз томонидан қабул қилинган бир қатор фармон ва қарорларнинг мазмун-моҳияти ҳақида алоҳида сўз юритдилар.

— Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармониди хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур шароит ва имкониятлар яратиш, кичик бизнес субъектларининг моддий ва кредит ресурсларидан фойдаланишини кенгайтириш, бизнес муҳитини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилган, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси де-

путати У.Сулаймонов. — Мазкур фармоннинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, унга мувофиқ жорий йилнинг 1 июлидан эътиборан яқка тартибдаги тадбиркорларга ишчи ёллаш мумкинлиги ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланди ва бу борада қатор имтиёзлар яратилди. Шунингдек, яқка тартибдаги тадбиркорлар агар касб-хунар коллежи битирувчиларини ишга ёллаган бўлса, битирувчининг коллежини тугатган кунидан бошлаб ўн икки ой мобайнида ёлланма ишчилар учун белгиланган солиқдан озод этилиши белгиланган бўлди.

Ёшлар яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўз азму-шижоати, ташаббускорлиги, замонавий технологияларни пухта ўзлаштириш салоҳияти билан юртимиз раванакига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Яна шуни қайд этиш

жоизки, бугунги кунда хотин-қизларнинг жамиятдаги ижтимоий мавқеи тобора ошмоқда, уларнинг таълим, соғлиқни сақлаш, тадбиркорлик соҳаларидаги иштироки кучайди, иқтисодий ривождаги ҳиссаси ортиб, улар иштирокидаги нодавлат ташкилотлари сони доимий равишда кўпайиб бормоқда. Бу каби муҳим жараёнларда партияимиз фаоллари дастурий мақсадлардан келиб чиқиб, хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий ташаббусларини амалий қўллаб-қувватлашда бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда фаол иштирок этмоқдалар.

Семинарлар давомида тижорат банклари томонидан касб-хунар коллежи битирувчиларининг бизнес-лойиҳаларини молиялаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига бошланғич сармояларни шакллантириш учун микрокредитлар бериш борасида қилинаётган ишлар ҳақида қатнашчиларга батафсил маълумотлар берилди.

Қўқон шаҳри ва Риштон туманида бўлиб ўтган тадбирларнинг асосий қисмида тадбиркорлик фаолиятини банк кредитлари ҳисобига бошлаётган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 20 нафар коллеж битирувчиларининг ҳар бирига 5 миллион 900 минг сўмлик имтиёзли кредит олиш

ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди. Шунингдек, 10 нафар хотин-қизлар ҳам тадбиркорлик фаолиятини молиялаштиришга қаратилган сертификатларга эга бўлишди.

— Ўз бизнес-лойиҳам асосида имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатга эга бўлганимдан қувончим чексиз, — дейди Қўқон педагогика касб-хунар коллежи битирувчиси Нилуфар Исроилова. — Эндиликда ушбу режам асосида чеварчилик соҳасида фаолият юритиб, маҳалламдаги тенгдошларимни янги иш ўрнилари билан таъминламоқчиман. Келгусида фаолиятимни янада кенгайтириш ниятим бор. Шу орқали миллий либосларимиз гўзаллигини дунё халқларига намоян этиш истагиданман. Ҳамкорликдаги бундай тадбирларнинг тез-тез ташкил этилиши биз каби ёшларга катта ёрдам беради.

— Дастурхонларимизни безайтиган ширинликлар, айниқса, болажонларни қувонтиради. Сертификатга лойиқ топишдан бизнес-лойиҳам қандадлатчилик маҳсулотлари ва турли пиширилган тайёрлашни йўлга қўйиш мақсадида тузилган, — дейди Риштон саноат касб-хунар коллежи битирувчиси Шахноза Азимжоновна. — Уни амалга ошириш билан ўзим каби битирувчилардан 3 нафари ишли бўлишди.

Тадбиркор Одина Йўлдошеванинг таъкидлашича, Қўқон шаҳри марказида хотин-қизларга сифатли хизмат кўрсатаётган "Гўзаллик саломи"га талаб ва таклифлар ортмоқда. Шуни назарда тутиб,

О.Йўлдошева ўзи бошқараётган ушбу салон фаолиятини янада кенгайтириш, янги хизмат турларини йўлга қўйишни режалаштирганини таъкидлади.

— Риштон туманидаги Дахбед маҳалласида чинни маҳсулотлари тайёрлайдиган "Риштон чинниси" хусусий корхонасини очиб ниятиданман, — дейди яқка тадбиркор Муборак Ҳақимовна. — Шу мақсадда тузилган, қиймати 20 миллион сўмлик бизнес-лойиҳамни молиялаштириш учун сертификат олишга муваффақ бўлдим. Янги корхона очилгач, маҳалламизда яшовчи 10 нафар аёлни иш билан таъминлаш имкони яратилади.

2014 йил давомида тижорат банкларида олинган кредитлар эвазига ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиб, ривожлантираётган хотин-қизлар ва ёшлар томонидан корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, хунармандчилик буюмларининг кўرғазмаси ҳам қатнашчиларда катта таассурот қолдирди ва янги бизнес-лойиҳаларни амалиётга йўналтиришда бўлгуси тадбиркорларнинг ишончини янада мустаҳкамлади.

Иштирокчиларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масалалари, аҳолининг кенг қатлами учун жорий этилган банк хизматлари борасидаги саволларига мутахассислар батафсил жавоб бердилар.

Комилла ИСРОИЛОВА,

Ўзбекистон "Адолат" СДП Фарғона вилояти кенгаши матбуот котиби

БАҒРИДА ОЛАМ ГАВҲАРИ

Туризмнинг обод ва кўркам манзиллари хорижлик меҳмонларда катта таассурот қолдирмоқда

Сайёҳлик

Ўзбекистон — бугунги кунда сайёҳлик индустриясини жадал ривожлантириш имкониятларига бой бўлган мамлакатлар жумласига киради. Унга жаҳон туризмнинг марказларидан бири, деб қаралмоқда. Буни, айниқса, Самарқанд мисолида яққол кўришимиз мумкин. Чунки, Самарқанд Ўзбекистоннинг энг бой сайёҳлик салоҳиятига эга бўлган ҳудудларидан бири ҳисобланади.



қатланиш ва дам олиш масканлари қуриш режалаштирилган.

2015 йил давомида "Ўзбектуризм" миллий компанияси ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда хорижий ва маҳаллий сайёҳлар ташриф буюрадиган объектларга Wi-Fi зонасини ўрнатиш белгиланган.

Туристлик фирмаларга ҳукуматимиз томонидан берилган имтиёзлар асосида охириги 4-5 йил ичида чет эллардан 50 га яқин замонавий сайёҳлик автобуслари харид қилинган. Бунинг натижасида туристларга кўрсатилаётган транспорт хизматининг юқори даражада ташкил этилиши ва бу борадаги мавжуд муаммолар ҳал этилишига эришилди.

Туризм соҳаси учун олий ва ўрта даражадаги мутахассислар тайёрлашга ихтисослашган Самарқанд иқтисодий ва сервис институти ҳамда Сартепа туризм ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежида таҳсил олаётган талабалар ва ўқувчилар билан ишлаб-чиқариш амалиётларини ўташларида ва уларни ишга жойлаштиришда вилоятдаги туристик фирма ва меҳмонхоналар

ўртасида ўзаро ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилган.

Соҳада фаолият кўрсатаётган ходимларнинг малакасини ошириб бориш ва уларни қайта тайёрлаш масалалари юзасидан "Ўзбектуризм" миллий компанияси, Республика илмий-ўқув консалтинг маркази билан ҳамкорликда доимий равишда ўқув машғулотлари ва семинар-тренинглар ўтказиб келинмоқда. Ушбу машғулотларга чет эллик малакали мутахассислар ва экспертлар ҳам жалб этилапти.

Шу билан бирга, Республика илмий-ўқув консалтинг маркази билан вилоят Музейлар бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган "Гидлар тайёрлаш маркази" ҳам самарали фаолият юритмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 13 мартдаги "Туризм фаолиятини амалга ошириш ва лицензиялаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори республикамизда туризм соҳаси билан шуғулланиш истагида бўлган жисмоний ва юридик шахсларга жуда қулай имкониятлар яратиб берди.

Жорий йилнинг 1-4 октябрь кунлари БМТ Бутунжаҳон туризм ташкилоти Ижроия кен-

газининг 99-сессияси айнан Самарқанд шаҳрида ўтказилиши Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш борасида олиб борилаётган давлат сиёсатининг нечоғлик тўғри йўлга қўйилаётгани, айниқса, Самарқанд шаҳри дунёнинг қадимий ва энг навиқрон, гўзал шаҳарларидан бири эканлигининг яна бир ифодасидир. Бу халқаро майдонда Ўзбекистон бўйсининг тобора ошиб бораётганлигидан ва мамлакатимизнинг улкан сайёҳлик салоҳияти жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак эътироф этилаётганидан ёрқин далолатдир.

Хулоса ўрнида айтиб ўтиш лозимки, бугунги кунда вилоятда фаолият кўрсатаётган туристик фирмалар дунёнинг турли мамлакатлари ва йirik шаҳарларида (Лондон, Берлин, Мадрид, Милан, Токио, Шанхай, Сеул, Москва ва бошқалар) ташкил этилаётган туризм ярмаркаларида фаол қатнашиб, республикамизга кўпроқ хорижий сайёҳларни жалб этишда ўз муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқда.

Нилуфар МИРЗАЕВА,
«Adolat» мухбири

Замондошларимиз

Яқинда вилоятимизда фаол ва интилувчан ёшларга эътибор, мустақиллиқни мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшиб келаётган фидойи йигит-қизларни рағбатлантириш, уларда бунёдкорлик, яратувчанлик иштиёқини янада кучайтириш мақсадида "Самарқанд ифтихорлари" деб номланган тадбир ўтказилди. Унда "Архи куб" акциядорлик жамиятининг лойиҳалаш бўйича бош архитектори Фотима Худойкулова ҳам "Самарқанд ифтихори", деган шарафли эъзозга лойиқ қўрилди.

Биз Фотима Худойкуловага бир неча савол билан мурожаат қилдик.

"Самарқанд ифтихори"га сазовор меъмор

— Фотимахон, Самарқанднинг ифтихорлари сафида қалбизгизда қандай ҳиссиётни туйдингиз?

— Буни камтарона меҳнатимга берилган жуда катта баҳо, деб биламан. Тадбирда "Замонавий қурувчи ва дизайнер-лойиҳачилар" номинацияси бўйича тақдирландим. Вилоятимиз шаҳар ва қишлоқларини янада обод қилиш, мамлакатимизнинг турли жойларида қад ростлаётган бир-бирдан шинам ва гўзал иншоотлар тарихини чизиб, бунёд этишда илтироқ этаётганимдан бахтиёрман. Юртимизнинг ифтихорлари янада кўпаяверишига тилакдошман.

— Айя киши учун архитекторликнинг юки оғир эмасми?

— Ҳамма касбнинг ҳам ўзига яраша завқи ва таъшишлари бор. Агар танлаган касбнинг содиқ бўлсанг, унга меҳрингни берсанг, ўйламанки, кўзланган ниятга эришиш мумкин. Шу боис архитектор бўлиб шаҳар ва қишлоқларимиз кўрғига кўрк қўшиб турадиган иморатларнинг лойиҳасини чизишда ишга бўлган эътиқодим, шу она заминга бўлган муҳаббатим менга куч беради. Ишимдан завқ оламан.

Бирор лойиҳага қўл уришдан олдин зиммамда катта масъулият борлигини ҳис этаман. Эртага мен чизган тарҳлар, шу асосида қад ростлаган иморатлар буюртмачилар дидига тўғри келади-йўқми, иморат пухта ва мустаҳкам чиқадими, деган фикрлар мени доимо ўйлашга, изланишга ундайди. "Лойиҳачи қўлимизнинг ота-онасига, устозларига раҳмат", десалар, менга шунинг ўзи кифоя.

— Шундай масъулият билан қандай иншоот ва биноларга пойдевор қўйгансиз?

— Пойдеворини қўйиш қурувчиларнинг иши, албатта. Бирок, лойиҳачилар вазифасини ҳам уларга тенглаштириш мумкин. Акциядорлик жамиятимиз асосан яхка тартибдаги ҳамда шаҳар ва қишлоқлардаги турли савдо-маиший бинолар учун буюртмачиларнинг хоҳишига қараб лойиҳалар тузиб беради. Шу билан бирга, ўша бинолар қурилишини назорат қилиб боради, ички ва ташқи кўринишини безашда қатнашади. Жамоамизда қўли гул, ўз ишини пухта эгаллаган, тажрибали лойиҳачи, дизайнер-архитектор ва техниклардан иборат мутахассислар кўмагида биноларни тез ҳамда сифатли тиклашга ҳаракат қиламиз. Масалан, Самарқанд шаҳрининг Университет хиббони, Мирзо Улугбек, Дахбед кўчаларидаги савдо-маиший иншоотлар бизнинг лойиҳаларимиз асосида барпо этилди ёки реконструкция қилинди.

Бундан ташқари, Самарқанд туманидаги Миронқул қишлоғида сутни қайта ишлаш цехи, Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги Шовот канали бўйининг бир қисmini ободонлаштириш ва қурилиш ишларида фаол иштирок этдик.

Айни пайтда эса Самарқанд шаҳридаги Рудакий кўчасида олиб борилаётган бунёдкорлик ишларида ўз лойиҳаларимиз билан қатнашяпмиз.

Мен шу шаҳарда туғилиб ўсганман. Унинг жаҳоншумул мўъжизаларига ошuftаман. Қолаверса, жонажон шахримизнинг дунё тамаддунида ўз ўрни, мавқеи бор.

Самарқанддек тарихий, аммо тобора яшариб бораётган улуг шаҳарга хизмат қилиш, чиройлига чирой қўлиш, жозибали бинолар қуриб, латифлигини ошириш, ўйламанки, ҳар бир кишига завқ бағишлайди. Шу боис ҳали қиладиган ишларимиз жуда кўп.

Сўхбатдош: Адҳам ҲАЙИТОВ

Шундай яшар одатда одам

Партиядошларимиз — фаҳримиз!

Айтиш жоизки, бугун фермер қишлоқдаги нафақат иқтисодий, балки сиёсий ўзгаришлар, янгиланишлар ташаббускори. Чунки фермер қишлоқдошларининг меҳнатини ташкил этиш баробарида улар онгиде мулкчиликка бўлган соғлом муносабатни тарбиялайди. Жамиятдаги ривожланиш жароёнларига, юрт тақдирига нисбатан дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлайди.

Бу гапларга далил излаб узоққа боришнинг ҳожати йўқ. Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманига йўл олсангиз, Ўзбекистон Қаҳрамони, "Адолат" СДП аъзоси Дўстмурод Абдуллаев раҳбарлик қилаётган кўп тармоқли фермер хўжалигида айни шундай ташаббускорлик, юртпарварлик ва фаровон турмуш кайфиятини яққол сезасиз. Бу ерда иш бошқарувчи ҳам, оддий мутахассис ҳам, пахтакор, чорвадор, ғаллакор ҳам ўзини мулкдор, деб ҳисоблайди. Меҳнатининг тошу тарозисини, оила бюджетига қанча даромад олиб келишини олдиндан билади. Шунинг асосида оила фаровонлиги учун зарур бўлган қулайликларни барвақт режалаштиради. Фарзанди соғлом ва илмий бўлиб вояга етиши учун унга китоб, компьютер, спорт кийимлари сотиб олиб беради. Кексайган ота-онасини курорт-санаторийга жўнатади. Ҳаммасига вақт ва имконият топади. Иш учун ҳам, ҳеч кимдан кам бўлмай яшай турган ҳам!

— Тассарруфимизда 267 гектар сугориладиган еримиз бор, — дейди Дўстмурод ака Абдуллаев. — Бирор йил йўқки, маҳсулот етиштириш бўйича шартномавий режаларни уддаламаган бўлсак. Бултур

165 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан, 92 гектар майдондаги ғалладан гектарига 66 центнердан ҳосил етиштириб, зиммадаги мажбуриятларни ортиги билан адо этдик. Ҳар иккала соҳадан 1 миллиард сўмликдан кўпроқ даромад олдик. Натижада фермер хўжалиги аъзоларининг манфаатдорлиги кескин ортиди.

Дарвоқе, мазкур хўжаликка қарашли далалар вилоятдаги аксарият фермерлар учун тажриба ўрганиш майдонига айланган. Қишлоқ хўжалигидаги илғор инновацион технологияларни тарғиб этиш, ернинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, нав танлашга оид муҳим семинарлар айни шу хўжалик базасида ўтказиб келинмоқда. Бу ерда қуртат ёзаётган тажрибалар эса вилоят миқёсида кенг оммалаштирилмоқда.

Фермернинг ташкилотчилиги, уддабурунлиги қишлоқдошларининг турмуш фаровонлигини белгилайди, дедик. Бу гапнинг исботи сифатида Дўстмурод Абдуллаев қишлоқда новвойлик цехи очгани, макарон ишлаб чиқаришини йўлга қўйгани, тикув машиналари сотиб олиб, ўндан ортиқ аёллар касб-корли бўлишига имкон яратганини таъ-

кидлаш лозим. Шу тариқа қишлоқда ҳам саноатлашув жараёни шаклланимоқда, ҳам истеъмол ва хизмат бозорида янги тақлифлар пайдо бўлиб, одамлар турмушига файз-барака кирмоқда.

Эндиликда кўп тармоқли фермер хўжалиги фаолиятини янада кучайтириш мақсадида паррандачилик билан шуғулланилаётгани алоҳида эътирофга лойиқ бўлмоқда. Шу мақсадда махсус ферма қурилгани, жўжа очирадиган инкубаторни олиб келишгани, мутахассислар танлангани янги иш муваффақиятли бўлишидан далолат бермоқда. Фермер хўжалигида чорвачилик ҳам рентабелли соҳага айланиб бораётгани кўпқиррали фаолият қишлоқ мулкдорига қандай имкониятлар эшигини очмоқда, деган саволга ойдинлик кирита олади. Ҳозиргача қайта ишлаш корхонасига 12 тонна сут, бир тонна гўшт етказиб берилди. Маҳсулотнинг таннари арзон. Истеъмол бозорида айни шу маҳсулотларга бўлган талаб-эҳтиёжнинг юқори эканлигини инобатга олганда, бу нарх-навои пасайтириш йўлидаги ижобий ҳолат эканлигини сезамиз.

Демак, фермер озиқ-овқат таъминотини ҳал этишда рақобатчи шакллантираётти. Қандай қилиб арзон гўшт ва сут етиштириш мумкинлигини ўз тажрибасида кўрсатиб берапти. Фермер ҳисобидаги 60 бош қорамол ва 280 бош қўй учун зарур озуқа базаси яратилгани, зоотехник қаров талабга яраша бўлаётгани, ишининг пировард натижасига манфаатдорлик билан ёндашилаётгани соҳанинг кун сайин юксалиб боришидан далолат бермоқда.



— Дунёда глобал масалага айланиб бораётган озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг қўшимча имкониятлари бизда кўп, — дейди сўхбатдошимиз Дўстмурод Абдуллаев. — Деҳқоннинг томорқа хўжалигидан оқилона фойдаланиши ана шу имкониятларни янада оширади. Худудимизда сабзавот, картошка, қулупнай етиштириб, барвақт бозорга олиб чиқаётган, бир йилда ердан уч мартагача ҳосил ундираётган оилавий деҳқонлар оз эмас. Даромад ҳам меҳнатга яраша бўлапти. Томорқа туфайли машина сотиб олаётган, ҳовли-жойларни тартибга солаётган қишлоқдошларимиз кўрсам ҳар сафар фахрланиб кетаман. Демак, улар-

нинг ишида, турмушида мазмун бор. Ҳа, пайкаганингиздек, Дўстмурод ака қишлоқдошларининг ҳаёт даражасига, уларнинг мақсад-эҳтиёжларига теран назар сола олади. Ҳар бир деҳқон оиласининг яхши яшашга бўлган интилишини қўллаб-қувватлашга, рағбатлантиришга ҳаракат қилади. Ердамга эҳтиёжманд оилаларга қорамол, парранда сотиб олишларига кўмаклашади. Маҳсулотини бозорга олиб чиқиши учун транспорт ажратади.

Бир қарашда буларнинг барчаси оддий инсоний фазилат бўлиб

қўрилади. Лекин чуқурроқ разм солсангиз, бунинг замирида юртпарварлик, эртанги кун тақдири учун ғамхўрлик, масъулият ва ишонч муҳассас. Шундай муносабатга ўзини лойиқ қўраётган инсон жамиятдаги ривожланиш жараёнларига бефарқ қараши мумкинми? Асло! Бу хулоса фермер қишлоқдаги ижтимоий-сиёсий янгиланишларнинг илҳомчиси деган гапларнинг тасдиғи эмасми?!

— Мен "Адолат" партиясини амалий мақсад-ҳаракатлар йўлида маслақдошлар орттириш учун танлаганман, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони Дўстмурод Абдуллаев. — Партиянинг дастурий ғоялари ҳам фаолиятимга мос келади. Ҳар сафар муаммога фермер хўжалиги миқёсида эмас, туманининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидан туриб қарашга, кўпчиликка маъқул ечимлар излашга ҳаракат қиламан. Бу одамларнинг менга бўлган ишончини янада мустаҳкамляпти.

Ҳа, Пахтачида юртга, касбу корига садоқатли, ўз элининг бахтли, фаровон турмушидан завқ олиб яшаётган, уларнинг ташвишини ўз таъшиши деб билаётган шундай камтарин инсонлар бор. Ҳикмат излаганга — ҳикматдир дунё деганларидек, уларнинг одамлар орасида ўтаётган ҳар қуни, ўзини ва ўзгаларни англашга бўлган интилиши фаровон турмушининг сабоғи, десак асло янгиланмайми.

Сўхбатда: Ўзбекистон Қаҳрамони Д.Абдуллаев партиядошлари даврасида.

Бола ҳуқуқлари: халқаро ва миллий мезонлар

➤ “Адолат” шарҳи

Болаларни ҳимоя қилиш, ҳар томонлама соғлом ва баркамол ўсиши учун шароит яратиш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Зеро, эртанги кунимиз қандай бўлиши бугунги болаларнинг тарбиясига боғлиқ.

Маълумки, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция бола ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи асосий халқаро ҳужжат саналади.

Ўзбекистон ушбу конвенцияни 1992 йил 9 декабрда ратификация қилган. Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимиз Конвенция нормаларининг бажарилиши тўғрисидаги даврий ҳисоботни БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича кўмитасига мунтазам равишда тақдим этиб келмоқда. Конституция-мизнинг 45-моддасида вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, истиқлол йилларида бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишни назарда тутувчи “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Вояга етмаганлар ўртасида назорат-сизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги, “Таълим тўғрисида”ги, “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди.

2008 йилнинг 8 январидан кучга кирган “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”-ги қонунга биноан бола ҳуқуқлари соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш механизмининг такомиллаштириш йўли билан болаларни, жумладан, етим болаларни ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг амалдаги тизими янада такомиллаштирилди. Хусусан, бола қонунга асосланмаган ҳолда ушлаб турилиши, ҳибса олиниши, қамоққа олиниши мумкин эмас. Давлат боланинг шахси, турар жойи дахлсизлигини, хат-хабарлари сир тутилишини таъминлайди ҳамда болани эксплуатациянинг бар-

ча шаклларида, шу жумладан, жисмоний, руҳий ва жинсий зўравонликдан, қийноққа солишлардан ёки шафқатсиз, қўпол ёхуд инсон қадр-қиммати камситувчи бошқа шаклдаги муомаладан ҳимоя қилади, деб белгилаб қўйилган.

2010 йилнинг 29 сентябрда қабул қилинган “Вояга етмаганлар ўртасида назорат-сизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунда ҳуқуққа зид ҳаракат содир этган вояга етмаганларни оголантириш жараёнида иштирок этувчи ота-оналар, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари тизими белгиланган.

Ҳар бир мамлакатнинг бугуни ва келажаги, том маънода, таълим тизимининг қай даражада ривожлангани, ёш авлодни тарбиялаш учун яратилган шарт-шароитлар билан белгиланади. Таълим муассасаларида ўқувчиларга кенг ва профессионал билим эгаллаши билан бирга, бугун дунёда рўй бераётган янгилик ва ўзгаришлардан атрофича хабардор бўлиши, хорижий тилларни ҳам чуқур ўрганишлари учун барча зарур шароитлар яратиб берилган. Президентимиз томонидан 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги қарор мамлакатимизда замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илгор услубларини жорий этиш йўли билан чет тилларни ўқитиш, шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, уларнинг ҳақон цивилизацияси ютуқлари ҳамда дунё ахборот ресурс-

ларидан кенг қўламда фойдаланишлари, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришда фаол иштирок этиши рағбатлантиради.

2014 йил 6 февралда Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорнинг қабул қилиниши билан ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг фаоллигини ошириш, юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва чуқур билимларга эга бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, уларда турли мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириш, ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, иш билан таъминлаш ва тадбиркорликка жалб қилиш, замонавий касб-ҳунарларни пухта эгаллашлари учун муносиб шароитлар яратиш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, ижодий ва интеллектуал-салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган ишларни тизимли йўлга қўйиш, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жинонавий содир этилишининг олдини олиш, баркамол авлодни тарбиялашда оммавий ахборот воситалари ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш каби устувор йўналишлар белгиланиб, янада кенг қўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Мамлакатимизда 11 миллиондан зиёд киши интернетдан

мунтазам фойдаланади. Уларнинг асосий қисми ўқувчи-ёшлардир. Ҳозирги кунда умумтаълим мактабларида қарийб 4,5 миллион бола таҳсил олмақда. Саккиз йилдан ошдики, барча мактаблар ягона Ziyonet тармоғига уланган. Мазкур тармоқ Uz доменидagi энг йирик ахборот-таълим ресурси ҳисобланади. Унда ёшлар учун фойдали ва аҳамиятли ахборот манбалари, дарслик ва ўқув қўлланмалар, турли соҳаларга доир адабиётлар, медиа махсулотлар, мультимедиа воситалари, таълим мақсадида фойдаланиладиган бир қатор интерфаол хизматлар жамланган. 2013 йилда Ziyonet портали янги талқинда қайта ишлаб чиқилди. Аввалги қўришни янада қулай ва ёшлар боп дизайнга алмаштирилиб, қўшимча бўлимлар билан тўлдирилди. Замонавий ахборот технологиялари таълим олишни ҳамма учун қизиқарли жараёнга айлантира олгани ҳақиқат. Олимларнинг «XXI асрда ахборотлардан фойдаланишни билмаган киши XX асрда ўқиш ва ёзишни билмаган одамга ўхшайди» деган таъбири АКТ ҳаётимизда қанчалик муҳим аҳамият касб этишини тасдиқлаб турибди.

Мамлакатимизда болаларнинг юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган давлат сиёсати изчил амалга оширилиши Ватанимиз келажаги ҳақидаги ғамхўрлик, ҳалқимизнинг ўз фарзандларини бахтли ва фаровон бўлиши ҳақидаги ўйлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Омонулла МУҲАММАДЖОНОВ,
юридик фанлар доктори

➤ Парламентда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси таъаббуси билан парламентнинг қўли палатасида Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ҳамда “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг Тошкент шаҳридаги ижроси юзасидан ўтказилган назорат-таҳлил яқунлари бўйича кўмитанинг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Назорат-таҳлил яқунлари

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар адлия бошқармаси, суд-прокуратура, ички ишлар тизими, халқ таълими, ўрта махсус касб ҳунар таълими, соғлиқни сақлаш бошқармалари мутасаддилари, “Маҳалла” хайрия жамоат фонднинг Тошкент шаҳар бўлими, шаҳардаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этган кенгайтирилган йиғилиши парламент қўли палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси раиси Акмал Саидов олиб борди.

Қайд этилишича, Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётган 2 376 700 нафар аҳолининг 751 360 нафари, яъни 31 фоиздан ортигини вояга етмаган шахслар ташкил қилади. Уларнинг 311 мингга яқини 287 та умумтаълим мактабларида, 91 мингдан ортиги 120 та касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда таҳсил олса, 441 та мактабгача таълим муассасаларида 115 мингга яқин 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган болалар қамраб олинган. Қолаверса, шаҳардаги 30 та болалар мусиқа ва санъат мактабларида 6800 дан ортиқ ўқувчилар мусиқа ва санъат йўналиши бўйича сабоқ олмақда. Ушбу таълим муассасаларида болаларнинг ҳам маънавий, ҳам ақлий салоҳияти юксалиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган бўлиб, натижада болалар миллий ва халқаро миқёсда ўтказиб келинаётган турли мусобақа, танловларда ўз билим ва кўникмаларини намойиш этиб келмоқда.

Айни пайтда таҳлил давомида жамиятимизда фарзанд таълим-тарбиясига етарлича эътибор қаратмаётган, уларнинг таълим муассасаларидаги давомати, ўқиши ва ҳулиға нисбатан лоқайдлик билан муносабатда бўлаётган ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ҳам учраётгани аниқланган бўлиб, сўнгги 3 йил ичида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича шаҳар ва туман комиссиялари томонидан ўтказилган мингдан ортиқ йиғилишларда 3 мингга яқин ишлар кўриб чиқилган ҳамда шундан 2 757 нафар вояга етмаганларга таълим-тарбия бериш мажбуриятини бажармаган ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддасига асосан 193 115 325 сўмлик жарима жазо чораси қўлланилган ва ундирилган. Бундан ташқари, ўтган давр мобайнида, яъни 2011-2014 йиллар давомида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессияларида Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ва “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг ижроси кўрилмагани, муҳокама қилинмагани кескин танқид остига олинди.

Муҳокама жараёнида соҳага оид қонунчиликда учраётган бўлиқларни тўлдириш, бир-бирини таққорловчи ёки ақсинча, инкор этувчи меъёрларни қисқартириш мақсадида ёшлар, болаларга оид қонун, қонуноти ҳужжатларини қайта хатловдан ўтказиш, шунингдек, барча миллий қозғалар ва қонунчилигимиздаги ёшга оид цензларни қайта таҳлил этиш заруратига оид таклифлар билдирилди. Шунингдек, бола ҳуқуқларининг таъминланиши даражасини аниқлаш ва бу борадаги миллий ҳисоботларни тайёрлаш, қонунчилик ижросига оид ҳулоса ҳамда тавсияларни ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи Бола ҳуқуқлари бўйича омбудсманни ташкил этишга оид мулоҳазалар ҳам баён этилди.

Кенгайтирилган йиғилиш якунида иштирокчилар соҳада учраётган муаммолар ва уларнинг ечимига оид фикр-мулоҳазалар, амалий таклифлари асосида кўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Саодат ЖАББОРОВА,
«Adolat» мухбири

➤ Чақиртиканак

Ҳар куни эрталаб ишга шошилиамиз. Кўчалардаги саранжом-саришталикни, бекатлардаги озодаликни кўриб, дилимиз яйрайди. Янги иш кунимизни ҳушқайфиятда бошлашимиз учун чор-атрофни тартибга келтириб қўйган фаррошларга раҳмат айтгимиз келади.

Эсликларимиз, бир пайтлар шаҳар ичидаги автобус бекати дейилса, на ўриндиққа, на соябонга ёлчиган, жамоат транспортти тўхтаб ўтиши учун номига қуриб қўйилган тўртта устундан иборат кўрмисиз жой тушуниларди. Серёгин кўчаларда қор, ёмғирдан паналаб, жазирамада қуёш нуридан сақланиб бўлмас, устига-устак оёқ остида pista пўчоги, музқаймоқ қозони, сигарета қолдиқлари сочилиб ётар, албатта, бу ноҳуш манзара йўловчилар кайфиятига ҳам таъсир ўтказар эди.

Ҳозир шаҳардаги автобус йўналишлари бўйлаб жойлаштирилган бекатлар аввалгиларидан тубдан фарқланади — уч томони ойнаванд, замонавий кўринишга эга, ёгин-сочиндан ҳимояланган, ўриндиқлари ҳам юмшоқ. Аксарият бекатларга маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг рухсати билан аҳолига хизмат кўрсатиш объекти жойлаштирилган. Бунда, биринчи навбатда, йўловчилар ва транспорт воситалари ҳаракати хавфсизлиги таъминланиши инобатда олинган ҳолда, озиқ-овқат дўкони, “пайнет” шохбечаси, ком-

пьютер тузатиш устaxonаси ёхуд бошқа хизмат кўрсатиш тармоғи фаолият олиб боради. Демак, тадбиркорлар қарамогидидаги бекат йўловчилар билан гавжум бўлишдан манфаатдор. Шу боис улар жамоат транспортти воситалари тўхтаб ўтиш жойини шинам ва кўркам хизмат кўрсатиш масканига айлантириш учун изланади, анча-мунча маблағ сарфлайди. Йўловчиларни кўпроқ жалб этиш мақсадида хизмат турлари қўламини кенгайтиради.

Тўғри-да, кутаётган автобуси келгунича бекатнинг ўзида, айтийлик, дўконга кириб-чикса, шу ерда қўл телефонини ҳисобини тўлдириб олса, бу йўловчиға ўнғай — вақтдан ютказмайди. Тадбиркор ҳам шундан манфаат кўради.

Таассуфки, киши таъбини хира қиладиган бир ҳолат айнан бекатларда яққол кўзга ташланади. Бу ярашмаган ямок мисол ёпиштирилган катта-кичик қозғалар парчалари, яъни хусусий эълонлар. Уларга қараб кўчмас мулк бозорида кўп сонли воситачилар фаолият юритаётгани ҳамда риэлторлик (маклерлик) хизматлари ҳажмининг катталиги ва унга бўлган талабнинг



ортиб бораётганини билиб оламиз. Албатта, бугун ҳар жабҳада рекламдан фойдаланамиз. Реклама — бевосита ёки билвосита фойда (даромад) олиш мақсадида юридик ёки жисмоний шахслар, махсулот, шу жумладан, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва технологиялар тўғрисида ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай воситалар ёрдамида қонун ҳужжатларига мувофиқ тарқатиладиган махсус ахборот. Бекатларгагина эмас, пиёдалар йўлагини ёнидаги симёғоч устунларига, йўл бўйидаги дарахларга, кўп қаватли уй девори-ю, кириш эшигига, йўл белгилари пастки қисмига, газ ва сув қувурларига, хуллас, кўзга ташланадиган жой борки, ҳаммасига устма-уст ёпиштириб ташланган хусусий эълон-

цехи ишга таклиф қилади”, “Қасос сервис”, “Кўзқорин экиш ва ўстириш”, “Тўй-ҳашамга сарпо”, “Урачи”, “Қази”... Исталган хусусий эълон берувчи билан боғлаш учун телефон рақамлари ёзиб қўйилган, албатта.

Ҳар куни тонгда ҳали транспорт қатнови бошланмасдан чоратроф — йўл йўлакларни, бекатларни супуриб-сидириб, саранжом-саришта қилиб қўядиган фаррошлар шахримиз ҳуснига доғ бўлиб тушаётган юзлаб хусусий эълонларни кўчириб олгунча, билмадим, қай аҳволга тушаркан?

Бир гал ёшгина йигитча қўлига бир даста қозони олиб йўл-йўлак дарахти, симёғоч устунини, исталган жойга ёпиштириб кетаётганини кўриб қолдим. “Хой, шошма, нима қилаяпсан?” дейишим билан жуфтқини ростлади. Яқинда бекатга хусусий эълон ёпиштираётган ўрта ёшдаги аёлга бир отахон дашном берганди, бошқа йўловчилар ҳам унинг гапини қувватлади. Шунда нотўғри иш қилганини англади, шекилли, аёл қўли-

даги қозонларни чиқинди қутисига ташлади.

Одатда, чет эл сафаридан қайтган таниш-билишларимиз сайру саёҳати давомида олган тассуротлари, жумладан, шаҳар кўчалари тоза ва озодлиги, меҳмонхонадан тортиб, супермаркет ва қаҳвахоналарда ҳам мижозларга хизмат кўрсатиш юқори даражада йўлга қўйилгани ҳақида тўлқинланиб гапирарди. Шунда биз ўша хорижликлар бунинг учун нималар қилгани, қанча вақт ва маблағ сарфлагани билан у қадар қизиқмаймиз. Нима бўлганда ҳам, уларга чиройли шаҳарларидаги кўчаларни биров саранжом-саришта қилиб бермагани аниқ.

Юртимизда шаҳару қишлоқларимиз йилдан-йилга чирой очмоқда. Муҳташам бинолар, ишлаб чиқариш объектилари, кафтдек текис йўллар, замонавий кўприклар бунёд этилаётти. Шу ўринда, юртимиз кўркам ва обод бўлишига ҳисса қўшаётган қўли гул бунёдкорларимизга ҳар қанча тасанно айтсак арзийди.

Юқорида келтириб ўтилган хусусий эълонлар шахримиз ҳуснига доғ бўлиб тушаётган экан, бу борада тегишли ташкилотлардан чоралар кўрилиши талаб этилиши билан бирга, ҳар биримиз кўчалар, бекатлар, аҳоли гавжум жойлар саранжом-саришталигига оддий фуқаро сифатида ҳам масъул эканимизни ёдга солади.

Суюндик МАМИРОВ,
«Adolat» мухбири

Ярашмаган ямоқ

Илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси таълим даргоҳидан бошланади

Давоми. Боши 1-бетда

Бинобарин, собиқ шўро тузуми даврида экин майдонларимизнинг қарийб 90 фоизига қадар пахта экилиши, алмаш-лаб экиш технологияси қўлла-нилмаганлиги сабабли тупроғи-мизни кучсизланиб қолганини мутахассислар билишади. Шу боис истиқлол йилларида тупроғимизни эрозиядан сақлаш ва унумдорлигини ошириш, қиш-лоқ ҳўжалиги экинларининг янги навларини яратиш, қис-қача айтганда, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла таъминлаш ба-робарида атроф-муҳит, эколо-гияга зиён келтирмаслик мақ-сади мутахассислар зиммасига улкан масъулият юкляди. Ушбу жараёнда “ер билан тиллаша оладиган” етук кадрлар, замо-навий технологиялар ҳамда иш-ланмалар ёрдамида ернинг, оли-наётган ҳосилнинг сифатини ях-шилаш салоҳиятига эга мутахас-сислариз қутилган натижага эришиб бўлмасди. Бу борада ил-мий ва амалий тажрибага эга, аграр соҳа учун кадрлар тайёр-лаб келаётган таянч олий ўқув юрти — Тошкент давлат аграр университети профессор-ўқи-тувчиларининг хизматини ало-ҳида эътироф этмасдан бўлмай-ди.

Университетнинг 28 та ка-федрасида фаолият юритиб ке-лаётган 527 нафар профессор-ўқитувчиларнинг 50 фоизга яқини илмий даражага эга қўри малакали илмий-педагог кадрлар бўлиб, улар тупроқ унумдорлигини ошириш, экин навларининг янги навларини яра-тиш, ҳашарот ва касалликлар-дан сақлаш, чорва молларининг маҳсулдор зотларини қўлайти-риш, ипакчилик ва ўрмон ҳўжа-лиги, иқтисодиёт, аграр соҳада техник ва энергетик ресурслар-дан фойдаланишнинг самара-дорлигини ошириш йўналишла-ри бўйича самарали тадқиқот-лар ўтказиш ва уларнинг нати-жаларини амалиётга жорий қилишда фаол иштирок этиш-моқда.

— Муассасамизнинг илмий ҳодимлари ҳар йили ўтказиб ке-линаётган “Инновацион гоялар, технологиялар ва лойиҳалар” Республика ярмаркасида қатор ишланмалари билан қатнашиб келмоқда, — дейди универси-тет илмий-тадқиқот ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш бўли-ми бошлиғи, доцент Навкар Раҳмонов. — Мўҳими, тақдим этилган ишланмаларга қизиқиш билдирган амалиётдаги мутахас-сислар, фермер ҳўжаликлари, тадбиркорлар билан шартнома-лар тузилмоқда. Хўсусан, жо-рий йилда 60 та 476,9 миллион сўмлик шартномага имзо чекил-



ди. Қолаверса, ярмаркада фаол иштирок этган университет жа-моаси орасидан 7 нафар про-фессор-ўқитувчиларимиз махсус диплом ҳамда фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

Университетда олиб борила-ётган фундаментал, илмий-амалий ҳамда инновацион лойи-ҳалар, ишланмалар билан яқин-дан танишар эканмиз, иқтисо-диётни экологик жиҳатдан тоза технологиялар асосида ривож-лантириш тарафдори ҳисоблан-миш Ўзбекистон “Адолат” СДП томонидан илгари сурилаётган муқобил энергия манбаларини қишлоқ ҳўжалиги соҳасига тат-биқ этиш бўйича олиб борила-ётган илмий изланишлар ҳам мавжудлигининг гувоҳи бўлди.

— Кафедрани профессор-ўқитувчилари томонидан тур-тинчи йилдирки, қишлоқ ҳўжа-лигида муқобил энергия ман-баларидан фойдаланишга оид тадқиқотлар олиб борила-ди, — деди университетнинг “Қишлоқ ҳўжалиги электр энер-гетикаси ва электротехнология” кафедраси профессори, техни-ка фанлари доктори Абдураҳ-мон Раҳжабов. — Муқобил энергия манбаларидан фойдала-нишни ривожлантириш, ўзин-гизга маълумки, бутун дунёда долзарб масала ҳисобланади. Чунки, бир томондан қайта тик-ланмайдиган энергия ресурсларининг захиралари камайиб бормоқда, иккинчидан энер-гияга эҳтиёж ортиб бормоқда. Шунинг учун бутун дунё мам-лакатлари энергия манбалари-нинг янги турларини яратиш ва улардан фойдаланиш бўйича илмий ишларни амалга оши-ришга интилоқда, шу жумла-дан Ўзбекистонда ҳам бу йўна-лишга катта эътибор қарати-лмоқда. Хўсусан, Президентимиз томонидан 2013 йил 1 мартда қабул қилинган “Муқобил энер-гия манбаларини янада ривож-

лантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон ва Хуку-мат дастурлари биз, илмий хо-димларга иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишига хиз-мат қилувчи муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш, уларнинг самарадорлигини ошириш борасидаги илгор те-хнологияларни ўзимизда ишлаб чиқишга туртки вазифасини ўтади. Жумладан, қишлоқ ҳўжа-лиги чиқиндиларини қайта иш-лаш йўли билан биогаз ишлаб чиқиш бўйича олиб бориладиган илмий тадқиқотимиз кенг жа-моатчилик томонидан қизиқиш билан ўрганилмоқда. Ушбу иш-ланма асосан маҳаллий матери-аллардан ишланган қурилма бўлиб, бунда қишлоқ ҳўжалиги чиқиндиларини биогазга айланти-рувчи технологияни амалда исботлашга ҳаракат қилдик. Ушбу қурилманинг жорий эти-лиши энергетик, экологик ҳамда иқтисодий самарадорлиқни таъ-минлайди. Бу жараёнда юзага келган биоуенг табий ўғитлар-га нисбатан тупроқ унумдорли-гини бир неча баробар ошира-ди. Бундай самарадор лойиҳа-ларнинг амалга татбиқ этили-ши фермер ҳўжаликлари томо-нидан сарфланаётган маблағлар-нинг тежаллишига, бу эса, ўз-ўзидан аҳолига етказилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг таннархи пасайишига олиб ке-лади.

Университет бўйлаб қилган саёҳатимиз давомида муассаса вакиллари яқиндагина “Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги” танловининг университет босқичи бўлиб ўт-гани, танлов номинатсиялари бўйича биринчиликларни эгал-лаган иштирокчилар муносиб рағбатлантирилганини айтиб қолишда ва ушбу танловда “Энг яхши педагог-тадқиқотчи” но-минацияси бўйича ғолибликни қўлга киритган ўқитувчи —

“Мевачилик, сабзавотчилик ва узумчилик” кафедраси доценти, қишлоқ ҳўжалиги фанлари док-тори Саодат Дўстмуродова билан суҳбатлашгани тавсия этишди. Илмий-амалий ютуқ-лари билан жамоада, қўйингки, мамлакатда ўз ўрнига эга бўла-ётган фаол ва олима хотин-қиз-лар Ўзбекистон “Адолат” СДП томонидан алоҳида эъозлани-ши боис ушбу тақдифдан мам-нун бўлди.

— Ўзбекистонда сабзавот экинлари орасида энг кўп эки-ладигани помидордир. Помидор мевалари юқори парҳезоблиги, шифобахшлиги ҳамда янгити-лич ва қайта ишланган ҳолда истеъмол қилиниши билан бош-қа сабзавот турларидан ажралиб туради, — дейди суҳбатдошимиз. — Ўзбекистонда помидор эки-ни жами сабзавотлар етишти-риладиган майдонларнинг 40 фоизидан ортқини эгаллайди. Қолаверса, мамлакатимизнинг қўлай тупроқ иқлим шароити ва сугориш имкониятлари ушбу экинни кенг етиштириш имко-нини беради. Бироқ, кейинги пайтларда аҳоли томонидан ай-рим навлари помидорларнинг таъмига нисбатан эътирозлар юзага келди. Бу эътирозлар кўп ҳолларда асосли ҳамдир. Саба-би, аксарият фермер, деҳқонла-римиз анча пайтга қадар шақ-лини ўзгартирмайдиган гибрид помидор навларини етишти-ришга қизиқиш билдирди. Чет-дан келтирилган бу навдаги по-мидорлар узоқ сақланиши би-лан, яъни анча пайтга қадар

Илм билан шугулланиш — игна билан қудуқ қазиш билан баробар, дейилади доно халқимиз нақлида. Умид қиламизки, юртимиз олий таълим муассасалари ана шундай машаққатли, аммо шарафли касб эгалари, олимларнинг самарали меҳнат ва ижод маскани бўлиб қолаверад.

Саодат СОДИҚОВА,
«Adolat» мухбири


КОИНОТ БАҒРИГА ЎТКИР НИҲОҶ БИЛАН

Дунёга энг уқан мағаллан телескопини бунё эйтиш учун 500 миллион доллар маблағ ажратилди.

Хабарларга кўра, 2021 йилда ишга тушадиган янги телескопининг асосий кўзгуси 8,4 метр диаметрга эга бўлади. Бу эса шу пайтгача бу борада етакчилик қилиб келаетган “Хаббл” телескопига нисбатан 10 баробар самаралироқ ишлаш имкониятини яратади.

Янги лойиҳа ҳамкорлари сафида Австра-лия, Корея, АҚШ, Бразилия ва Чили вакилла-ри бор. Гуруҳ раҳбари Эдвард Мозес кури-ланининг умумий қиймати бир миллиард долларга етишини маълум қилган.

Чилидаги Атакама саҳросига joyлаштирилмаган телескоп 22 қаватан уй баланалигидаги иншоотдан бошқарилади.



БОШИНГИЗ... КИМНИКИ?

Таниқан фантаст ёзувчи Александр Беляевнинг “Профессор Доуэ-линг боши” номи машҳур романи чоп этилганига тўқсон йил тўлди. Балки шу сабабидир, Россия Федерациясининг Владимир шаҳарчасида истиқомат қилувчи 30 ёшли дастурич йигитнинг яқиндагина ўз бошини донор танасига кўчириб ўтказишлариға розилик билдирганигини шунчаки тасодиф деб аташ ўрнига туюлмак.

Тўғри, йигит тузалмас хасталикка дучор бўлганлиги учун шундай йўл тутган: у кўп йиллардан бери ногиронлик арачасига михланиб қолган, ахволи эса кундан-кунга ёмонлашмоқда.

Бундай хавфли операцияни ўтказишга италиялик нейрорарроҳ Серджи Канаверо тайёр эканлигини билдирган. Унинг ҳисоб-китоблариға кўра, операцияга 7,5 миллион фунт стерлинг сарфланади.

Ҳамкасблари Канаверони ҳар қанча таваккалчиликда ёки шўхратпаст-ликда айблашмасин, бундай операциялар ҳайвонлар устида бир эмас, бир неча бор — қўллаб ҳолларда муваффақият билан — ўтказилганигини ёддан чиқармаслик лозим.



Дарвоқе, роман чоп этилган олис 1925 йилда ёзувчининг замонадошлари асарини хотирхам қарши олишди. Ҳатто китобга тақриз ёзган Рикалев фамилияли таъкидчи романда ҳеч қанақанги фантастика унсурларини қўрмаганлигини алоҳида таъкидлаб ўтган. Бунинг исботи сифатида эса таъкидчи тадқиқотчи Брюхоненко бош-

чилигидаги илмий гуруҳ алақадан қучуқган бошини жонлантириш бора-сида ютуқларга эришиб улгурганини қайда этади.

Дарҳақиқат, Биринчи жаҳон уруши йилларида сунъий қон айланиши муаммолари билан шугулланган Сергей Брюхоненко итлар бошини жон-лантириш юзасидан тажрибалар ўтказмоқда эди. Табиийки, танасиз бош-да ҳаёт унсурларини сақлаб туриш учун сунъий қон айланиш қурилмаси зарур. Шу сабабли ўша пайтлари ҳақи қашф этилмаган бу ноёб қурилмани олимнинг ўзи лойиҳалаштирди ва “автожектор” номи билан ишга тушир-ди. Қурилма бир вақтнинг ўзида ҳам юрак, ҳам қон томирлари вазифаси-ни бажарарди.

Ниҳоят танасидан ажратилган қучуқнинг тирик боши “тақдими” 1928 йили, физиологларнинг 31 сьезида намоийш этилди. Олим болға билан стога урганида ит титраб кетади, ўзига чироқ нури тўғрилганида эса кўзларини очиб юмади. Танасиз ит боши ҳатто ҳуришга ҳам ўринади... Брюхоненконинг ютуқлари бутун дунёга шов-шув бўлиб кетади, бу ҳақда машҳур ёзувчи Бернард Шоу мақола ёзади, яъни у ўзига ҳас истеҳзо би-лан тез орада кимнинг боши кейинги ҳаёт учун муносиблиги аниқлана бошланадиган қунар келишини башорат қилади.

Бу орада ҳайвонларга сунъий органларини кўчириб ўтказиш бўйича ҳам тажрибалар бошланиб кетди. Жаҳон трансплантологиясининг асосчи-ларидан бири бўлган Владимир Демихов 1946 йили дунёда биринчи бўлиб ит юрагини кўчириб ўтказиш операциясини амалга оширди. Орадан бир йил ўтиб айнан шу шифокор томонидан ўпка кўчириб ўтказилди, 1947 йили эса навбат жигарга етди келди.

1954 йили бу борада ҳақиқатан фантастик натижага эришилди: бир боши ит қўлигача, бош экиби қўйилиши натижада ички бошдига айлантирилди. Кейинги ўн беш йил ичида бундай операциялар сонини йигирмадан ошиб кетди. Бу ҳақда олинган рангли ҳужжатли фильм 1956 йили АҚШда ўтқа-зилган халқаро кўргазмада намоийш этилди, сал кейинроқ эса шифокор Демиховнинг қисқа муаад ичида бестселлерга айланиб кетган китоби чоп этилди. Дунёда биринчи бўлиб одам юрагини кўчириб ўтказиш операция-сини амалга оширган машҳур жарроҳ Кристиан Бернард бир неча бор Демиховнинг лабораториясида бўлган ва уни ўзининг устози деб биларди.

Этиборли томони, операциядан сўнг икки бошдан итларда қон айлани-ши ва бошқа зарур рефлекслар тўла ишга тушган, ҳар иккала бош муста-қил нафас олган, овқат танлаган, бир-бириға қараб хурган, сўт ичган. Бироқ қўш каллали итлар узоқ яшай олмаган: тўқимааларнинг битиб кет-маслиги ҳалақит берган.

Ўтган асрнинг олтинчи йилларида америкалик жарроҳ Роберт Уайт Кливлендаги округ шифохонасининг махсус лабораториясини бошқарар-ди. Демихов тажрибалари билан ақидан танишган. Уайт икки оёқли мав-жудотнинг бошини кўчириб ўтказишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Ниҳоят, 1970 йилнинг 14 мартда тажриба Мэри ва Лу-Лу лақабли май-мунларда муваффақиятли тарзда ўтказилди.

Бундан руҳланиб кетган Уайт энди одам бошини кўчириб ўтказишга тайёр эканлигини эълон қилди. Бироқ, жарроҳ қутилмаганда жамотчилик томонидан қаттиқ қораланди, Яратганининг ишлариға аралашётганиликда айбланди. Натижада олим тажрибасини шу ерда тугатишга мажбур бўлди.

Мана энди, орадан қирқ беш йил ўтиб одам бошини кўчириб ўтказиш масаласи яна кун тартибига чиқмоқда. Қизик, италиялик жарроҳ ўз нияти-ға етарикан ёки йўқми...

Интернет хабарлари асосида
«Adolat» мухбири **Бобур ТУНҒАТОВ** тайёрлади.

Қонуннинг адолатли талаблари

жамиятда соғлом муҳит барқарорлигини таъминлашга кўмаклашади

Хукуқ

Мамлакатимизда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этил-ган қоида ва тамойиллари устунлиги тан олинади. Умум-эътироф этилган тамойиллар ва қоидалар миллий қонун-чилигимизда ўзининг теран ифодасини топган. Хўсусан, амалдаги жиноят қонунчилиги мисолида фикр юритадиган бўлсак, ушбу соҳада айбсизлик презумпцияси, “хабеас корпус” институти меъёрларига тўлиқ риоя этилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Асосий қонунимизнинг 26-модда-сида белгилаб қўйилганидек, жиноят содир этганида айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, айби аниқланмагунча, у айбдор ҳисобланмайд.

Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб бери-лади. Гумон қилинувчи ва айбланувчи-нинг берган қўрсатмалари билан аниқланган ҳолатлар айбланувчи ўз айбига икорор бўлган тақдирда ҳам, ўзининг айбдор эканлигини инкор қилган тақдирда ҳам ишнинг барча ҳолатлари билан боғланган ҳолда бошқа далиллар каби текшириб чиқилиши ва баҳо-ланиши лозим. Гумон қилинувчи-нинг айби мақбул далиллар ёрда-мида ўз тасдиғини топишдан кейингина дастлабки тергов органи томонидан айбланувчи, деб эълон қилинади.

Гумон қилинувчи ва айбланувчи-нинг қўрсатувлари билан аниқланган ҳолатлар айбланувчи ўз айбига икорор бўлган тақдирда ҳам, ўзининг айбдор эканлигини инкор қилган тақдирда ҳам ишнинг барча ҳолатла-ри билан боғлиқ ҳолда бошқа далил-лар каби текшириб чиқилиши ва баҳо-ланиши лозим. Олий суд Плену-мининг 2014 йил 23 майдаги «Суд ҳукми ҳақида»ги қарориди таъкид-ланганидек, судланувчи томонидан терговда ёки судда айбини бўйнига олиш ҳолати у иш бўйича тўпаланган ҳақда судда текширилган бошқа далиллар билан ҳолисона тасдиқлан-гандагина айблов ҳукми чиқаришга асос бўла олади.

Ўз навбатида, айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз хусусида ҳам алоҳида тўхталиш жоиз. Бу ариза берувчининг ўзи содир этган жино-яти тўғрисида у шу жиноятни содир этишда гумонланмасдан ва унга

айблов эълон қилинмасдан олдин берган баъридир.

Айбини бўйнига олиш тўғрисида-ги арз озгакки ёки ёзма бўлиши мумкин. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд озгакки хабарни баённомада акс эттиради, унга арз қилувчининг шахсига доир маълумотлар киритилади ва унда арз-нинг мазмунини биринчи шахс номи-дан баён қилинади. Баённомага арз қилувчи ва суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья имзо чекади.

Ушбу арзнинг энг асосий шартининг ихтиёрли эканлигидадир. Шахс жиноятни содир этганлида гумон қилинмасдан ва унга айблов эълон қилинмасдан олдин ҳуқуқни муҳофа-за қилувчи идораларга ўзи содир этган жиноят тўғрисида хабар билан, яъни айбини бўйнига олиш тўғриси-даги арз билан мурожаат этиши мумкин.

Айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз озгакки ёки ёзма бўлиши мумкин. Озгакки хабарни суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд баённо-мада акс эттиради. Баённомага арз қилувчининг шахсига доир маълумотлар киритилади ва унда арзнинг мазмунини биринчи шахс номидан баён қилинади. Баённомага арз қилувчи ва арз қилинган суришти-рувчи, терговчи, прокурор ёки судья имзо чекади.

Айбини бўйнига олиш тўғрисидаги

арз суриштирувчи, терговчи, проку-рор ва суд томонидан аниқланган бошқа барча далиллар билан бирга-ликда баҳоланади ҳамда айбини бўйнига олиш мавжуд далиллар йиғиндисига билан тасдиқланган тақдирдагина айблов учун асос қилиб олинishi мумкин. Айбини бўйнига олиш тўғрисида арз суд, прокурор, суриштирувчи ва тергов-чини ишнинг барча ҳолатларини аниқлаш мажбуриятидан озод этмай-ди.

Айбини бўйнига олишда терговчи барча аҳамиятли ҳолатларни эъти-борга олиши лозим. Баъзан маълум бир шахсларнинг манфаатларини қўзлаб ўзлари содир этмаган жиноятлари юзасидан айбини бўйни-га олиш ҳолати учраб туради. Бундай вазиятда терговчи ўзининг касбий билими, малакаси, ва ички ишончига таянган ҳолда иш юзаси-дан ҳақиқатни аниқлаш чораларини қўриши лозим. Дастлабки тергов органлари томонидан жиноят ишнинг процессуал қонунчилик талабларига риоя этган ҳолда юртилиши жиноятларни тез ва тўлиқ фож этиш, янги жиноятлар содир этилишининг олдини олиш имконини беради.

Ҳасан ЭҒАМБЕРДИЕВ,
Олий суд судьяси,
адлия подполковниги

Reklama

Reklama

Хурматли тадбиркорлар! «АСАКА» БАНК



Ишбилармонларнинг яқин ҳамкори

➤ Молия муассасаларида

Президентимиз томонидан мамлакатимиз иқтисодиётида хусусий мулкнинг ўрни ва ролини тубдан ошириш, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, ялпи ички маҳсулотда хусусий мулк, жумладан, чет эл капиталли иштирокидаги улушни изчил ошириш мақсадида 2015 йил 15 майда қабул қилинган «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон мен каби ишбилармонлар ва тадбиркорлар фаолиятининг ривожланиши учун янада катта имкониятлар яратди.



Республикада тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектлари ривожини яратилган беқиёс имкониятлар натижасида, улар томонидан сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилаётган. Хусусий секторнинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидagi улуши ошиб бораётганлиги, иқтисодиётимизнинг юқори суръатларда барқарор ўсаяётганлиги, мамлакатимиз бозорлари турли маҳсулотлар ва хизматлар билан тўлиб бораётганлиги ҳамда республикада аҳолисининг турмуш фаровонлиги кундан-кунга яхшиланаётганлиги бунинг яққол далилидир. Ҳозирги кунда ички ва ташқи бозорларга товарлар ва хизматлар етказиб беришда тадбиркорлик субъектлари ўртасида ниҳоятда кучли рақобатни кузатишимиз мумкин. Айниқса, жадал суръатларда ривожланиб бораётган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳаси мамлакатимиз иқтисодиётининг негизига айланиб бормоқда.



Зеро, мустақиллик йилларида иқтисодиётимизни демократлаштириш ва эркинлаштириш соҳасига, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини яратишга жуда катта эътибор қаратилаётгани улкан муваффақиятларнинг мустаҳкам омили бўлмоқда. Жумладан, «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида», «Рақобат тўғрисида», янги

Корхонамиз фаолияти чинни маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришимизда «Асака» давлат акциядорлик-тижорат банкнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Корхонамиз 2007 йилда ташкил этилган ва ташкил этилганидан бошлаб «Асака» банк бизга хизмат кўрсатиб келмоқда. «Асака» банк юқори даражада хизмат кўрсатувчи ишончли ва барқарор молиявий муассаса сифатида ном қозонган. «Fitch Ratings» ва «Moody's» сингари дунё миқёсидаги нуфузли халқаро рейтинг агентликлари томонидан «Асака» банк қаторасига бир неча йиллардан бери юқори рейтинг баҳола-рига сазовор бўлмоқда. Банк фаолияти «Барқарор» деб тан олинмоқда. «Асака» банк Ўзбекистондаги энг барқарор ва ишончли молиявий муассасалардан биридир.

Ушбу соҳада иш бошлаб, уни ривожлантириш учун тажрибамиз етарли бўлгани билан олдимизга қўйган режаларимизни амалга ошириш учун сармоямиз етарли эмас эди. Корхонамизга замонавий ускуналар олиш мақсадида молиявий кўмак учун «Асака» банкнинг Шайхонтоҳур филиалига мурожаат этдик. Банк ходимлари бизнинг бизнес-режамизни қисқа муддатда кўриб чиқиб, уларнинг малакали маслаҳатларини берди ва лизинг битими тузилди.

Биз «Асака» банк молиявий кўмаги ҳисобига замонавий ускуналар олдик ва ишлаб чиқариш ҳажмини бир неча баравар кўпайтиришга ҳамда юқори сифатли экспортбop маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришдик. Ҳозирги кунда жаҳон стандартлари талабига мос кела-



диган юқори сифатли чинни ва фаянс буюмлари ишлаб чиқариб, республикадаги ва хориждаги истеъмолчиларга етказиб бераё-миз. Банк кредитлари ҳисобига 35 та янги иш ўрни яратилди. Янги иш ўринларига асосан касб-хунар коллежлари битирувчилари қабул қилинди.

Эътибор ва кўмак тараққиёт сари етаклайди. Шу маънода «Асака» банк жамоасининг молиявий хизматидан, миқдорларга самимий муносабати ҳамда беғараз ёрдамидан миннатдоримиз. Бундан кейин ҳам ушбу молия муассасаси билан яқиндан ҳамкорлик қилиб, янги истиқболли лойиҳаларни рўёбга чиқариш ниятидамиз.

Рустам АБИДОВ,

«Turon Porcelain» МЧЖ раҳбари

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (+99871) 120-81-77, 120-82-98, 120-82-66, 120-82-29.

«Асака» банк — тадбиркорлик тараққиётининг мустаҳкам таянчи!

www.asakabank.com

Xizmatlar litsenziyalangan

“Она юртга меҳрим беқиёс”

➤ Истиқлол фарзандлари

Андижонлик “адолатчи” ёшларнинг партиямиз фаолиятида муносиб ўрни бор. Айниқса, кейинги йилларда улар эришаётган ютуқлар, республика даражасидаги танловларда кўпга ёш сафдошларимизнинг муваффақиятли қатнашолганлиги қувонарлидир. Партиявий тадбирларнинг фаол иштирокчиси, замонавий билимларни пухта ўрганишга астойдил интилаётган иқтидорли ёш сафдошимиз Гўзалой Абдуллаева жорий йилда Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳиби бўлди.

Гўзалойнинг болалиги шарқироқ сойлар, мевазор боғлар бағрида ўтди. Ва унинг ўзи ҳам сойларга қўшилиб кўлади. Бувижониси Мухаррамхон ая, онаси Мавлудахон опадан ўрганган халқ лапарлари унинг қалбига ижод завқини уйғотди. Буви-си кўп термалар, эртактари ёддан биларди.

Қақир қишлоғидаги 25-умумтаълим мактабда ўқиб юрганида Гўзалой шеър ёзишни машқ қила бошлаган. У қизғалдоқлар териб юриб, оддийгина шеърлар ёзиб, онасига ўқиб берарди.



— Қизимнинг бахти шуки, у истиқлол фарзанди бўлиб вояга етмоқда. Бизнинг юртимизда ёшларга, иқтидор эгаларига катта эътибор берилиб, улар учун барча имкониятлар муҳайё этил-

бўлиши, кези келганда, уни тўғри йўналтира би-лиши зарур, деб ўйлай-ман. Мактабда устози Гулнозахон Сотимбоева-дан олган сабоқлари унинг билимларини ошир-ди, интилишларини кучай-тирди.

Гўзалой Андижон дав-лат университети қошида-ги академик лицейда яна-да талабчан, фидойи ус-тозлардан таълим ола бошлади. Зарифахон Ра-ҳимова, Дилоромхон И-дрисовалар ундаги иқти-

Гўзалойнинг “Муҳаббатим Сизга, онажон”, “Гулдаги нур жилоси” номли шеър-ий тўпламлари чоп этил-ди.

— Оддийликда гўзаллик яширин, — дейди Г.Абдуллаева. — Мен ана шу гўзаллиқни тасвирлашни истайман. Қишлоқни, унинг боғлари ва сойлар-ни севганим, онамга меҳ-рим боис шеърларим ҳам кўпроқ улар ҳақида. Қиш-лоқнинг ҳар бир гўшаси-да Ватан останадан бош-ланади, деган ҳикматнинг маъносини чуқур ҳис қиламан. Она юртга меҳр-муҳаббатим чексиз.

Истеъдодли қиз Гўза-лой Абдуллаева вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси то-монидан Зулфия номида-ги Давлат мукофоти-га номзод этиб кўрсатилди ва барча босқичлардан муваффақиятли ўтди. Бу йил адабиёт йўналиши бўйича сараланган қизлар орасидан андижонлик Г.Абдуллаева Зулфия но-мидаги Давлат мукофоти-га лойиқ топилди. Бундай юксак мукофот энди-гина кўп оқибатга эришган кўп-та эътибор, рағ-бат ва ишонч ифодаси бўлиб, ёшларнинг орзу-мақсадларига қанот ба-ғишламоқда.

Юлдузой
МАМАТОХУНОВА,

Андижон давлат
университети талабаси

Бўлимлар:

Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Котибият — 288-42-14 (144); Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 288-42-12 (146); Қабулхона — 288-42-23; 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими — 233-41-89.

Навбатчи муҳаррир — Д. Маткаримова

Навбатчи — Ф. Жўраев

«Adolat»дан қўчириб босиш тахририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Тахририят манзили: 100043,

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани

«Шарқ понтин» кўчаси, 23-уй.

info@adolat.uz / adolat_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот

агентлиги томонидан 0018 рақами билан

2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп

этилади. Корхона манзили: Тошкент

шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Қороз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма

табоқ. Офсет усулида босилган.

Буюртма Г — 600. Адади — 11162

Босишга топшириш вақти — 21.30

Босишга топширилади — 22.15

Баҳоси келишган нархда

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2073-5217

4 770231 921009

1 2 3 4 5

МУАССИС:



Ўзбекистон «Адолат» СДП
Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Исроҳ ҲАМРОЕВ

Тахрир ҳайъати:

Наримон УМАРОВ

Мухаммад АЛИ

Гавҳар АЛИМОВА

Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА

Қодир ЖЎРАЕВ

Тошпўлат МАТИБАЕВ

Рашид МАТКУРБАНОВ

Талъат МУРОДОВ

Абдукамоил РАҲМОНОВ

Собир ТУРСУНОВ

Алишер ШОДМОНОВ